



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Поётга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 19 май, пайшанба • 20 (3601)-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. У Андижонда одамлар ўлимига сабаб бўлган фожиали воқеаларга, улар юзасидан бошланган тергов ишларининг боришига бағишланди.

Ўзбекистон Бош прокурори Р.Қодиров матбуот анжумани қатнашчиларига 13 май куни Андижонда рўй берган воқеалар ва улар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Одамлар қурбон бўлишига олиб келган бир қатор террорчилик ҳаракатлари, ваҳшийларча босқинчиликлар содир этилди. Оқибатда 169 киши ҳалок бўлди. Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг терроризм, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, икки ва ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, уюшган жиноий гуруҳлар тузиш, оммавий тартибсизликлар уюштириш, гаровга олиш, қонунга хилоф равишда ўқотар қуролларини, ўқдори, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини қўлга киритишга оид моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилди. Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ходимларидан иборат тезкор тергов гуруҳи тузилди.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 81 жиноятчи қўлга олинди. Қўлга олинган ва ҳалок бўлганларнинг 50 таси Ўзбекистон фуқароси эмаслиги аниқланди. Қўлга олинганларнинг 5 нафари Қирғизистон фуқароси бўлиб чиқди, яна иккита шу мамлакат фуқаросининг жа-

сади топилди. Уларнинг ушбу террорчилик ҳаракатида иштирок этгани маълум бўлди.

Тергов маълумотларига кўра, босқинчилар учун қурол-аслаҳа улар хужум бошлашидан анча олдин четдан келтирилган.

Жиноятчилар хорижда ишлаб чиқарилган ва рақамлари ўчирилган автоматлар, тўппончалар ва снайперлик милтиқлари билан қуролланган. Бу қуролларнинг қардан келтирилганлигини аниқлаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Қуролли хужум давомида террорчилар жами 305 дона қурол-аслаҳани, шу жумладан 205 та автомат ва 100 та тўппонча, 231 та граната ва бошқа қуролларни қўлга киритган.

Бугунги кунга келиб жиноятчилар эгаллаб олган қуролларнинг ярмидан кўпи, шу жумладан 128 та автомат ва 24 та тўппонча қайтарилди.

Террорчилар қамокдан ноқонуний озод қилганлардан 309 шахс жазони ўташни давом эттириш учун ихтиёрий равишда қайтиб келди. Қўрилган чоралар натижасида 14 маҳбус қамоққа қайтарилди. Қидирув ишлари давом этмоқда.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ан-

жуман иштирокчилари эътиборини баъзи оммавий ахборот воситалари томонидан Андижон воқеалари ноҳолис талқин этилаётганига, бирёқлама баҳоланаётганига қаратди. Айрим оммавий ахборот воситаларида авж олган кампаниябозлик расмий тергов хулосалари маълум бўлмасдан туриб, одамлар онгида муайян тасаввур яратишдан, гўёки Андижонда тинч аҳоли ўққа тутилгани ҳақидаги уйдирмаларни тарқатишдан бошқа нарса эмас, деди Ислол Каримов.

Давлатимиз раҳбари бундай оммавий ахборот воситаларининг вакиллари "тинч намойиш" қатнашчилари дея таърифлаётган кимсалар яхши қуролланганини, ҳарбий қисмга хужум қилганини, хунрезликлар содир этганини, террорчилар ва қотилларни озодликка чиқариб юборганини негадир "унутиб қўйишаётгани"дан таассуф билдирди.

Одамларни гаровга олишни, бегуноҳ инсонлар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жонига қасд қилишни "тинч намойиш" деб аташ мумкинми? Шу ўринда халқимизнинг "Қўрқоқ олдин мушт кўтарар", деган мақоли эсга тушади, деди Президентимиз.

Ислол Каримов қатъий таъкидладикки, бўлиб ўтган воқеаларнинг тинч намойишга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу ҳақиқий террорчилик ҳаракатидир. Андижонда бирон-бир тинч аҳоли қурбон бўлгани йўқ. 500 киши ҳалок бўлгани ҳақидаги

гаплар - уйдирма ва воқеаликни атайлаб бузиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Аёллар, қариялар, болалар ҳалок бўлганини кўрганлар борми? Агар бўлса уларни ким номма-ном айта олади? Операция давомида фақат жангарилар ўлдирилди. Ҳар бир мурданинг ёнидан қурол топилди. Уларнинг шахси ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан аниқланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳатто Ўзбекистонга дўст деб аташ қийин бўлган ўнлаб таникли сиёсатдонлар ҳам бу борада ўз фикрини билдираётганида воқеаларни холис баҳолашга интилганини таъкидлади. Шундай экан, ҳар бир журналист ўзининг асосий бурчи ва вазифаси - доимо фактларга таяниб ишлаш эканини унутмагани маъқул. У ўзи тарқатаётган ахборот учун шахсий масъулиятни чуқур ҳис этса, ўшанда ҳаммаси рисоладагидек бўлади.

Журналистларнинг ўша куни Андижонга сафарига монелик қилган ягона сабаб шуки, деб таъкидлади Ислол Каримов, шаҳарда отишмалар бўлаётган, босқинчилар хуружи авж олган бир вазиятда ҳеч ким журналистларнинг ҳаётини хавф остига қўйишга жазм этолмасди. Ахир биз сизнинг хавфсизлигингиз учун жавобгармиз.

Тадбирда 18 май куни дипломатлар ва журналистлар учун Андижонга махсус авиарейс ташкил этилиши ҳақида маълум қилинди.

Президент Ислол Каримов журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

(ЎзА).

УШБУ СОНДА:

Чўлпон – БУЮК СИЙМО



7



18

**ИШОНЧ
МАСЪУЛИЯТГА
ЧОРЛАЙДИ**



19



21

**«АЛАМ БИЛАН
БОЛАМ ДЕЙМАН!»**



23

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Тошнинг қумга айланиши учун бир дақиқа кифоя, аммо қумнинг тошга айланиши учун асрлар керак бўлади.

«Поётга» газетасининг иловаси
УЧИНЧИ ОЛАМ
HAYRATOMUZ VOQEALAR, BOLAJONLAR SAHIFASI, MUNAJJIMLAR BASHORATI, SKANVORD VA KROSSVORDLAR, HAJVIYA, XANDALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI.

ВАТАН ЖАСОРАТИНГИЗНИ

Шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида содир этилган хунрезликлар оқибатида хизмат вазифасини бажараётган бир гуруҳ ички ишлар ходимлари мардлик намуналарини кўрсатиб ҳалок бўлдилар.

Музаффаржон Турсунбоевич Рустамов

1968 йил 20 март куни Андижон вилояти Андижон туманида туғилган. 1988 йилда ҳарбий хизматдан қайтган М. Рустамов шу йил июнь ойидан Андижон шаҳар ИИБ ППХ ротаси милиционери сифатида ички ишлар идораларидаги фаолиятини бошлади. Ўтган йиллар давомида у ППХ ротаси мотозвод командири, Андижон шаҳар ИИБ ШТБИ жамлаш гуруҳи катта инспектори, Олтинкўл тумани, кейинроқ Андижон шаҳар ИИБлари бошлиғининг ШТБИ бўйича ўринбосари лавозимларида хизмат қилди. Андижон давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган Музаффаржон Рустамов 2004 йил декабрь ойидан вилоят ИИБ жазони ижро этиш гуруҳи катта тезкор вакили бўлиб меҳнат қилаётган эди. У оддий сафдорликдан подполковник унвонигача бўлган йўлни босиб ўтди. Фаолияти давомида раҳбарият томонидан бир неча марта рағбатлантирилган эди.



взвод командирининг ёрдамчиси, вилоят ИИБ хўжалик бўлими ҳайдовчиси каби лавозимларда ишлади. 1995 йилдан эса яна вилоят ИИБ ЖТСБ махсус вазифаларни бажарувчи 2-ротаси взвод командири лавозимига ўтказилди.

Ш. Зоҳидов кейинроқ вилоят ИИБ жанговар ҳаркатдаги отряднинг гуруҳ командири, шу хизматда ШТБИГ кадрлар касб маҳорати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича катта инспектор бўлиб хизмат қилди. Хукуматимиз унинг хизматларини юксак қадрлаб, 2000 йилда «Жасорат» медали билан тақдирлаган эди. Шухратбек 2002 йилдан вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ наркотрафик ва гиёҳвандлик моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бўлимида аввал тезкор вакил, сўнгра катта тезкор вакил лавозимларида хизмат қилди.

Ш. Зокиров хизмат давомида кўп марта мукофотланган, бирор марта ҳам интизомий жазоланмаган. Капитан Шухратбек Зокиров ўз билимини бойитиш мақсадида Андижон давлат университетининг иқтисод факультетида ўқиётган эди.

Капитан Набижон Расулович Давранов

1964 йил 13 апрелда Андижон вилояти Избоскан туманида туғилди. 1989 йилда собиқ иттифоқ ИИБ Чимкент ўрта махсус милиция мактабини тамомлади. 1988 йил августидан 1989 йил сентябригача республика ИИБ ЁСБ ихтиёрида бўлди. 1989 йил сентябридан 1992 йил сентябригача Избоскан тумани ИИБ кўриқлаш пункти бошлиғи, 1992 йил сентябридан 1998 йил январигача Избоскан тумани ИИБ навбатчилик қисми катта инспектор-навбатчиси, 1998 йил январидан 2001 йил октябригача шу туман ИИБ ЁХБ ёнғин хавфсизлиги профилактика инспектори, 2001 йил октябридан 2003 йил августигача Андижон шаҳар ИИБ ЁХБ 1-ХЕХО ёнғиннинг олдини олиш инспектори, сўнг умрининг охиригача шу отрядда ёнғиннинг олдини олиш катта инспектори вазифаларида хизмат қилди. Қайси лавозимга тайинланмасин, зиммасидаги бурчини ҳамиша ҳалол, сидқидилдан бажарарди. Шунинг учун касбдошларининг ҳурмат-эътиборини қозонган эди.



1975 йилнинг 5 октябрида Андижон шаҳрида туғилган

Машъалбек Одилович Хошимов қисқа, лекин мазмунли умр кўрди. У Андижон Қишлоқ хўжалик институтини битирган, олий маълумотли мутахассис сифатида 2002 йил май ойидан умрининг охиригача қадар вилоят ИИБ ШТБИХ шахсий таркибни тарбиялаш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими инспектори лавозимида хизмат қилди. Катта лейтенант Машъалбек Хошимов ўз фаолияти давомида кўпчиликка ҳалол, самимий, меҳрибон дўст сифатида танилиб, жамоада обрў-эътибор қозонган эди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланган, раҳбарият томонидан кўп марта мукофотланган эди.



Катта лейтенант Алишер Усмонжонович Эргашев

1970 йил 28 октябрда Андижон вилояти Избоскан туманида туғилган. 1994 йилда Андижон кооператив техникумини, 2004 йилда Андижон Давлат университетини тамомлаган. 1988-1990 йилларда Куролли Кучлар сафида хизмат қилган. 1996



йил 30 августдан республика ички ишлар идораларида фаолият кўрсатади. Андижон вилояти ИИБ-да 1996 йил августидан 1997 йил октябригача Андижон тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими милиционери, 1997 йил октябридан 1998 йил мартгача вилоят ИИБ ЖТСБ санитария назорати милиционери, 1998 йил март-июнь ойларида санитария назорати бўлими командири, 1998 йил июнь-ноябрь ойларида санитария назорати милиционери, 1998 йил ноябридан 2001 йил августигача вилоят ИИБ ЖТСБ карантин взводи милиционер-ҳайдовчиси, 2001 йил августидан 2002 йил январигача вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони хизмат гуруҳи инспектори, 2002 йил январидан 2003 йил мартгача шу гуруҳ катта инспектори, 2003 йил мартдан эса вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ жамоат тартибини ва оммавий тадбирларни ўтказишни таъминлаш гуруҳи муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори вазифаларида хизмат қилган. Хизмат фаолияти давомида эришган ютуқлари учун беш марта рағбатлантирилган.

Лейтенант Анваржон Аҳмаджонович Жўрабоев

1982 йил 11 мартда Андижон шаҳрида туғилган. 1999 йил 10 августдан ички ишлар идоралари сафида. 2003 йили Ўзбекистон Республикаси Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабини тамомлаган. 2003 йил августидан 2005 йил 13 майгача Андижон вилояти ИИБ ЁХБ ёнғин хавфсизлиги отрядлари (қисмлари) жанговар тайёргарлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлими муҳандиси лавозимида хизмат қилган.

Хизмат давомида икки марта рағбатлантирилган.



Лейтенант Ихтиёржон Равшанбекович Тошматов

1981 йили Хонобод шаҳрида туғилган. Ўзбекистон республикаси ИИБ Тошкент олий ҳарбий техник билим юртини битирган. Ўз фаолиятини 2003 йил июль ойидан Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ батальони махсус отряди хизмат инспектори сифатида бошлади. Ёш бўлса-да иқтидорли, билими пухта 24 ёшли йигит тез кунда раҳбариятнинг ишончини қозонди. 2004 йилнинг июлида у ушбу батальон 4-отряд командирининг хизмат бўйича ўринбосари лавозимига ўтказилган эди.



Катта сержант Зоҳиджон Тўлқинович Мамасидиқов

1973 йилда Жалолқудуқ туманида туғилган. Ўрта мактабни битиргач армия сафида хизмат қилган. 1995 йилда Андижон вилояти ИИБ ЖИЭБ муассасасида назоратчи бўлиб хизматни бошлади ва шу лавозимда ишлаётган эди. Ўтган йиллар мобайнида у жамоада муносиб обрў-эътибор топиб, бир неча марта рағбатлантирилган эди.



Катта сержант Ҳалимжон Сотволдиевич Жалолов

1976 йилда Хўжаобод туманида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, армия сафида хизмат қилди. 2000 йилда Андижон вилояти ИИБ ўқув марказида бошланғич тайёргарликдан ўтиб, Андижон шаҳар ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими милиция батальонига ишга қабул қилинди. Хизмат давомида хушёр, масъулиятли ходим сифатида танилган эди.



Майор Қодиржон Исаҳўжаевич Шобурханов

1961 йилда Андижон вилояти Хўжаобод туманида туғилган. Ички ишлар идораларида хизматни 1982 йилда Тошкент шаҳар ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлимида бошлади. 1983-1987 йиллар Тошкент Олий милиция мактабида таҳсил олди. 1987 йилдан ҳозирга қадар Хўжаобод тумани ички ишлар бўлимининг қатор хизматларида ишлади. 2004 йилдан профилактика инспектори бўлиб фаолият кўрсатаётган эди. Хизмати давомида раҳбарият томонидан бир неча марта рағбатлантирилган. Кўплаб ёш ходимларнинг устози эди.



Санжарбек Ҳамзаевич Махмудов

1976 йил 23 январда Андижон вилоятининг Андижон туманида туғилди. У Андижондаги иқтисодиёт-муҳандислик институтида сиртдан ўқиш билан бирга вилоят ИИБ ўқув марказини битириб, ИИБ Ижтимоий ва молиявий бўлими тафтиш бўлими тафтишчиси бўлиб ишлай бошлади.

Оддий сафдорликдан капитан унвонигача етиб борган Санжарбек билими, меҳнатсеварлиги ҳамда касбига бўлган меҳри туфайли вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили, ушбу хизматнинг коррупция, товламачилик ва рэкетга қарши курашиш бўлими тезкор вакили каби лавозимларда ишлаб, маҳорат кўрсатган эди.



Шухратбек Ўткурович Зоҳидов

1969 йили Андижон шаҳрида туғилиб, ўсди. Ички ишлар идораларидаги фаолиятини 1990 йил февраль ойидан Андижон шаҳар ИИБ ППХ ходими сифатида бошлади. Жасурлиги, интилувчанлиги боис тез кунда вилоят ИИБ конвой взводи бўлима командири бўлди. Кейинчалик вилоят ИИБ ЖТСБ махсус вазифаларини бажарувчи ротаси бўлима командири, шу хизматда



УНУТМАЙДИ

Катта сержант **Улугбек Турғунович Ҳамрақулов**

1967 йил 10 июлда Андижон шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, 1986-1988 йилларда Куролли Кучлар сафида хизмат қилди. 1990 йил августидан 2001 йил сентябригача Андижон шаҳар ИИБ санитария назорати милицияси милиционери, 2001 йил сентябридан октябригача Хўжабод тумани ИИБ "Ўзгазузатиш" АКни кўриқлаш бўйича милиция ротаси милиционери, шу йил октябридан 2004 йил февралигача Андижон шаҳар ИИБ ППХ гуруҳи милиционери, 2004 йил февралидан то ҳозиргача Андижон шаҳар ИИБ кўриқлаш бўлими милиция батальони милиционери лавозимида фаолият кўрсатди. У тиришқоқлиги, интилувчанлиги билан ҳамкасбларига ўрнак эди. Намунали хизмати учун раҳбарият томонидан бир неча бор рағбатлантирилган.



Кичик сержант **Давронбек Улугбекович Рўзиев**

1982 йили Қўрғонтепа туманида туғилган. Тумандаги 10-ўрта мактабни тамомлаган. Ички ишлар идораларидаги фаолиятини 2003 йил сентябрь ойидан бошлаган. У Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 1-отрядида ҳайдовчи бўлиб ишлаш бошлади. Хизмати давомида юксак интизомли эканлигини кўрсатди. Мутахассислиги бўйича катта тажриба тўплаган Давронбек бор билими ва маҳоратини осойишталик учун сарф қилаётган эди.



Кичик сержант **Илҳомжон Зокирович Турғунов**

1980 йил 13 мартда Андижон вилояти Олтинкўл туманида туғилган. 1999 йилда Шаҳрихон туманидаги 6-касб-хунар мактабини тамомлаган. 2003 йилнинг 1 июлидан ички ишлар идоралари сафида. 2003 йил июль ойидан Андижон шаҳар жазони ижро этиш муассасаси назоратчиси бўлиб хизмат қилаётган эди.



Хизмат фаолияти давомида икки марта рағбатлантирилган.

Катта сержант **Маруфжон Норматович Ҳакимов**

1969 йил 27 августда Андижон вилояти Шаҳрихон туманида туғилган. 1986 йили Шаҳрихон туманидаги 14-ўрта мактабни тамомлаган. 1992 йил 28 февралдан ички ишлар идоралари сафида. 1992-1996 йиллар Андижон шаҳар жазони ижро этиш муассасаси назоратчиси, 1996 йил июнь ойидан Андижон шаҳар жазони этиш муассасаси катта назоратчиси бўлиб хизмат қилган.



Намунали хизмат кўрсатганлиги учун раҳбарият томонидан етти марта рағбатлантирилган.

Кичик сержант **Мухаммадносир Маматшокирович Баҳодиров**

1978 йилда Андижон шаҳрида таваллуд топган. У дастлаб Андижон вилояти ИИБ ўқув марказида таҳсил олди. Ўқишни муваффақиятли битиргач, 2004 йил апрель ойидан Андижон шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими милиция батальонида фаолият кўрсата бошлади. М. Баҳодиров жамоада камтарлиги, ўз касбини севиши ва меҳнат-севарлиги билан обрў-эътибор топган эди.



Жасурбек Аҳмадуллаевич Эргашев

1981 йил 25 июнда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида туғилди. Хонободдаги техника-иқтисодиёт коллежини битирган бўлса-да болалиқдан кўнгил қўйган соҳаси – ички ишлар ходими бўлиш орзуси уни тарқ этмади. Шу сабабли у вилоят ИИБ ўқув марказида иштиёқ билан билим олиб, 2003 йил 3 октябрдан вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 3-отрядида инспектор – кинолог сифатида иш бошлади. Кичик сержант Жасурбек касбини кадрлар, дўстлари орасида обрў-эътиборга эга, орзулари кўп йигит эди.



Оддий аскар **Холмуҳаммад Қобулович Собиров**

1970 йил 20 апрелда Андижон вилоятининг Асака туманида туғилди. Касб-хунар билим юртини тамомлагач муддатли ҳарбий хизматни ўтади. 1995 йил июнидан республика ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисмларда ҳайдовчи вазифасида хизмат қилиб келаётган эди. У ўзига ишониб топширилган техникани ҳамisha шай, соз ҳолатда сақлар, касб маҳоратини ошириш устида тинмай изланарди. Намунали хизмати учун қисм қўмондонлиги томонидан бир неча бор рағбатлантирилган.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, Ҳайъати ва шахсий таркиби шарафли бурчига содиқ қолиб, эл-юрт тинчлиги йўлида жонини қурбон қилган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар. Ҳамкасбларимизнинг номи қалбимизда абадий қолади.

ХАЛҚ ЎЗ ТИНЧНИ БУЗГАНИ ЛАЪНАТЛАЙДИ

Ҳар қандай муаммо, масала жанжал билан эмас, ўзаро келишиб ҳал этилса, турли кўнгилсизликлар келиб чиқмайди. Тарихда бунга мисоллар кўп. Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар содир бўлмаслиги мумкин эдими? Ҳа, албатта. Тинч яшаётган аҳолини безовта қилмай, бегуноҳ кишиларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмушларига йўл қўймай, муаммони ҳал этса бўларди-ку. Қилгиликни қилиб қўйиб, дўппи тор келиб, жавоб беришга келганда низо чиқариб ўзини кўрсатмоқчи бўлганлар, унинг оқибатини ўйладимикин, деган савол туғилади.

Мен ўзим Андижон шаҳрида туғилиб ўсганман. Ҳамшаҳарларим бир сўз билан айтганда, орийатли, мулоҳазали кишилар. Диний экстремистик оқим таъсирига тушиб қолганларни, шунчаки алданганлар дейиш мумкин.

Жаҳон ҳамжамияти ўзини ҳақиқий дин тарафдори, унинг ҳалоскори деб жар солиб, ўз манфаати йўлида кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлаётган диний-экстремистик оқим пешволари ва уларнинг шотирлари, ҳомийларининг жирканч ишларидан азият чекмоқда.

Андижон шаҳридаги воқеалардан аввал республикамизда террорчилик, қўпуровчилик каби ҳаракатлар рўй берганди. Уларнинг раҳнаомлари ўз хуружлари билан халқни таҳликага солиш, қўрқув ҳиссини уйғотишга уриндилар. Ит хурди, қарвон ўтади деганларидек, халқимиз тинч меҳнат маромини давом эттираверди. Айбдорлар муносиб жазосини олди. Бир тўда экстремистларнинг кишиларни чалғитиш, алдаш учун тўқиб чиқарган пуч гаплари, бутун республика аҳолисининг фикрини ифода этолмайди, албатта.

Республика Президенти Ислам Каримов маҳаллий ва чет эл журналистлари билан ўтказган матбуот анжуманида Андижон шаҳрида содир бўлган воқеаларни изоҳлаб, таърифлаб берди. Модомики, адолатсизликка йўл қўйилган бўлса, юртбошимиз айтиб ўтганидек, жанжал кўтариб, бегуноҳ аскарларни, ички ишлар ходимларини ўлдириб, қурол-яроқ олиб, тинч аҳолини гаровга олмасдан юқори ташкилотларга мурожаат этиш лозим эди.

ИИБ Фахрийлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида ана шулар ҳақида гап борди. Ҳаламислар ўз орамизда. Уларнинг жирканч ишларига йўл бермаслик учун доимо огоҳ бўлишимиз лозим. Жойлардаги фахрийлар кенгашлари аъзолари, фаоллар, ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб, нафақада дам олаётганлар куч-қувватини кишиларни огоҳликка чақиришга сарфлашлари лозимлигини сўзга чиққанлар бот-бот такрорлашди.

Айниқса, ёшлар, ўсмирлар ва болаларни турли хил алдовларга учмаслик учун уларга вазиятни тўғри тушунтириш, эҳтиёткор бўлишга ўргатишимиз керак. Бу борада олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш, биринчи галда ота-оналарнинг ҳушёрлигини янада ошириш зарур бўлади.

Андижондаги воқеалар барчани огоҳ бўлишга чақириш борасидаги ишларни қайта кўриб чиқиб, ички ишлар ходимлари билан аҳоли ўртасида ҳамкорликни имкони борича мустаҳкамлаш ва кучайтиришни тақозо этади. Бу ишда лоқайдлик, эътиборсизликка йўл қўйиб бўлмаслигининг яна бир бор исботини кўрдик.

Ғофуржон РАҲИМОВ,
истеъфодаги генерал-майор.

Ватан хиёнатни кечирмайди

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАЙЛИК

Авалло мустақиллик ва у берган неъматлар ҳақида икки оғиз сўз. Истиқлол туфайли ўзликимизни англаб бой тарихимиз, тилимиз, динимизга холисона эгаллик қила бошладик. Қадриятларимиз тикланди ва юксалмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб бораяпти.

Лекин юртимизда юз берган 16 февраль воқеалари ва ундан кейинги террорчилик ҳаракатлари кўзимизни очиб қўйди. Барчамизни сергак бўлишга, мустақилликимизни ҳимоя қилишга тайёр туришга ундади.

Тақдир тақозоси билан мен ўша мудҳиш воқеа содир бўлган куни "Ўзбек-қишлоқмаш" корхонаси касалхонасида даволанаётган эдим. Кутилмаганда бирдан портлаш рўй берди. Бу нима экан, деб ёнимда турган хўжалик ҳамширасидан сўрадим. У заводда чиқиндилар тез-тез портлаб туради, деб қўяқолди. Негадир одамлар тушунтириш қийин бўлган ички туйғу билан хавотирга тушишди. Ҳеч вақт ўтмай Ўзбекистон миллий банки олдида портлаш рўй берганини эшитдик.

Хайриятки, 16 февраль воқеалари ташкилотчиларининг ёвуз ниятлари амалга олмади, юртбошимиз ва давлатимизнинг бошқа раҳбарлари Аллоҳнинг иродаси билан омон қолдилар. Аммо бу террорчилик ҳаракати оқибатида бегуноҳ инсонлар шахид кетди, турли даражада тан жароҳати олди. Андижонда бир гуруҳ экстремистлар содир этган хунрезликлар ҳақида хабар тоғач ана шу воқеалар ёдимга тушди. Ёвуз кучлар ҳар қанча уринишмасин, халқимизнинг бирдамлигига путур етказма олмайди. Барчамиз қўлни қўлга бериб, янада жипслашган ҳолда ҳаракат қилаверамиз.

Халқимизнинг қадимий нақли бор, душмандан ҳам, дўстлардан ҳам қўрқиш керак эмас. Улар нари борса ўлдириши ёки хиёнат қилиши мумкин. Билакс бефарқлардан қўрқиш керак, чунки уларнинг индамаслиги, жимгина розилиги туфайли жаҳондаги барча қотилликлар ва хиёнатлар содир бўлади.

Инсоният томонидан асрлар давомида тўпланган ҳаётий тажрибалар шундан далолат берадики, ер юзидаги ҳар бир давлатнинг тараққиёти, тинчлиги, барқарорлиги, мазкур давлатларга хавф солиши мумкин бўлган таҳдидни англаб етишга боғлиқ. Шу ўринда биринчи навбатда ёшларимизга таҳдид омиллиги нисбатан хушёрлик, огоҳлик ва онглилик руҳида таълим-тарбия бериш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бунда барча давлат муассасалари ва жамият ташкилотларининг масъулияти аниқ белгилаб қўйилиши керак. Андижонда рўй берган воқеалар бу вазифани асло кечиктириб бўлмамлигини кўрсатди.

А. ИБРАГИМОВ,
Юнусобод тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари,
подполковник.

Маҳалламиз фаоллари бир гуруҳ галамисларнинг Андижон шаҳрида конституцион тузумимизга қарши қилган хуружларини қаттиқ қоралайдилар. Ҳар биримиз ҳозирги пайтда Юртбошимизнинг тинчлик йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини маъқуллашмиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Тинчликимизга раҳна солувчи қора кучларга қарши бир ёқадан бош чиқариб, жипслашган ҳолда кураш олиб борилаверади. Ватанимиз осмони ҳаммиша мусаффо бўлиши тарафдоримиз. Бунинг учун халқимиз ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб, фитна ва террорга йўл қўймайди.

Шарафхон АБДУЛЛАЕВ,
Урганч шаҳридаги
"Истиқлол" маҳалласи фаоли.



ҲАЗРАТ БОБУР НОЛАСИ

*Ўзга юртдан ўз элига,
Эзгуликлар тилаган,
Йиглаб туриб ҳинд боласин,
Бошгинасин силаган,*

*От устида ҳазрат Бобур,
Андижонга қарайди.
Унинг ўксик юрагини,
Минг бир савол ўрайди:*

*– Хиёнатнинг кўчасида
Байрам қилган, бадқирдор.
Бобонг бўлиб сенга айтар
Икки оғиз гапим бор.*

*Шунчалик ҳам разолатнинг
Ботқоғига ботдингми?
Сенинг тинчинг ўйлаган ёш
Аскарга ўқ отдингми?!*

*Қабримда тинч ётган эдим,
Қилиб қўйдинг-а бедор.
Қурмаган кўз ёшларим
Бўлди яна шашқатор.*

*Тўғри йўлдан оғдирганлар
Касмиди ё нокасми?
Бир уруғга биттагина
Абдуллатиф етмасми?!*

*Ватан – Она дейдилар-ку,
Ота-онанг сотмагин.
Сен ҳам менинг жон боламсан,
Болам, мени отмагин!
Эркин САТТОВОВ.*

13 МАЙ КУНИ Андижон вилоятида бўлиб ўтган хунук воқеалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Юртимизнинг равнақи, фаровонлигини кўра олмаётганлар шу заминнинг фарзандлари эканлигини тан олиш жуда оғир. Кимларнингдир кутқуси, ёлгон ваъдаларига ўчиб, халқ юзига оёқ босган, аждодлар орзу-умидларини таҳқирлаган бу нонқўрлар албатта юртдошларимиз лаънатига учрайди. Чумолига озор бериш гуноҳ саналган динимизни сохта талқин этиб, бузиб, ўзларининг гараз мақсадлари йўлида фойдаланаётган шахслар, албатта жазосиз қолмайдилар.

Маҳалла посбонлари ушбу воқеаларни таҳлил этаркан, хушёрликни янада ошириш, туну-кун хизмат ўташни ташкиллаштириш, ақидапарастликка мойил фуқаролар ўртасида тарғибот ишларини жонлантириш, маҳалладаги ҳар бир фуқаронинг юриш-туришидан хабардор бўлиш чорасини белгилади. Куч-бирликда, деганларидек, бунга ёшларни ҳам жалб этиш режалаштирилди. Мақсад муштарак бўлса, ҳеч ким бирлигимизни буза олмайди.

З. НУРУЛЛАЕВ,

Бекобод шаҳар Собир Раҳимов номи маҳалла посбонлар сардори.

Инсон бир йўлга қадам қўйишдан олдин бу йўлнинг охирида уни нима кутаяпти, қилмиши нима билан якун топади, умуман, ташлаётган одими тўғрими-йўқми фикрлаб қўриши керак-ку, ахир? Бир неча ватанфуруш туфайли ўнлаб оналарни қон қақшатган қонхўрлар қилмишлари нима билан тугашини наҳотки, билишмаган? Халқни денгиз дейдилар. Ана шу денгиз оқимини ўзанидан чиқармоқчи бўлганлар кучли тўлқин остида қолиб, улоқтириб ташланишларини наҳотки, англамаган?

Халқ бошига кулфат ёғдирмоқчи бўлганларнинг жазосини халқнинг ўзи беради. Шу билан бирга ҳар биримиз янада хушёр бўлмоғимиз, мустақкам жипслашишимиз зарур.

Ўрол САОДАТОВ,
Жарқўрган туманидаги Янгиобод маҳалласи
оқсоқоли, истефодаги майор.

Бугунги кунда халқимизни Андижон шаҳрида рўй берган воқеа ларзага солди. Бир ўйлаб кўринг: дини, тили, юрти бир инсонлар ўз юртига хиёнат қилиб курул кўтарса?! Ваҳоланки, ҳайвон ҳам ўз инига тажовуз қилган эмас.

Ватани, юрти олдида ватангадо бўлган бу кимсалар қаердан пайдо бўлган, кимлардан тарбия олган?

Улар қонун олдида жавоб бериши даркор. Ватанимиз ривожига, Ўзбекистон Республикасининг буюк келажигига бу кимсалар тўсқинлик қила олмайди.

Халқимиз тинчлигини асраш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

А. ТЛЕУМУРАТОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ
хўжалик бўлими бошлиғи, полковник.

Андижонда юз берган фожиали воқеалар ҳар биримизнинг юрагимизни ларзага солди. Террорчилик ҳаракати оқибатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлишди. Қора кучлар халқимизни қўрқитиб қўйишмоқчи, мустақил юртимизни ўзи танлаган тўғри йўлдан қайтаришмоқчи. Аммо экстремистлар ҳеч қачон ниятларига етишолмайди. Ўзбекистонликлар мамлакатимизни ислохотлар сари дадил бошлаётган Президентимиз атрофида янада жипслашишади.

Мен бир оддий одамман. Олам тинч-осойишта. Болаларимизни вояга етказаяпмиз. Уй қуряпмиз, боғу роғлар барпо этаёпмиз. Шунинг ўзи бахт эмасми? Ишончимиз комилки, оммавий тартиб-сизликларнинг нафақат ижрочилари, балки ташкилотчилари ҳам ўз қилмишлари учун муносиб жазоланишади.

Иброҳим АКБАРОВ,

ҳайдовчи, Андижон шаҳри.

Касбим – ҳайдовчи. Хизмат тақозосига кўра Андижонда кўп бўлганман. Меҳнаткаш ва меҳмондўст кишилари ҳар гал очиққўнгил ва самимийлиги билан илиқ таассурот қолдирган. Бу заминда шоир ва шоҳ Бобурдек буюк шахслар тўғилиб ўсгани, қолаверса, мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи автомобилсозлик заводи шу вилоятда барпо этилгани ҳаммиша ҳавасимни келтирган.

Очиғи, кейинги кунларда бир гуруҳ жиноятчилар томонидан Андижонда содир қилинган хунрезликлар қалбимни ларзага солди. Аҳолининг тинч ва осойишта турмушига раҳна солган, бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилишига сабаб бўлган бу манфур тўда нимага эришмоқчи? Уларни бор-йўғи бир ҳовуч хасга қиёслаш мумкин, холос. Элнинг тинчини бузганлар қилмишларига яраша жазосини олишлари шарт.

Кексаларимиз дуоларининг энг аввалида юртга тинчлик тилайдилар. Бу бежиз эмас. Тинчлик билан эл кўкаради, дейдилар. Осойишталик – энг катта бойлигимиз. Уни асрашимиз, ҳимоя қилишимиз зарур. Бу йўлда хушёр ва ҳамжихат бўлсак бизни ҳеч қандай ёвуз куч енголмайди.

Комилжон РАҲИМОВ,
Навий шаҳри.

Тафсилот

АНДИЖОН — БЕГУБОР ИНСОНЛАР ШАҲРИ

Андижон. Меҳмондўстлар шаҳри. Икки қўли кўксида бўлган мезбонлар шаҳри. Бир шингил узумини, бир донагина қовунини бағрига босиб ашъор битган Мирзо Бобур шаҳри.

Худди шу ерда эҳтиросли фикрларимни тўхтатмоқчиман. Келинг, мени осмондан ерга туширинг, келинг, мени баландпарвоз гаплардан тўхтатинг. Ўзбекистон — менинг ватаним, Андижон — биродарларимнинг ватани. Аммо қанча уринмай ўзимни эҳтиросли фикрлардан тўхтата олмаяпман!

Нега энди бир тутам, бир ҳовуч, бир сиқим, на фикри теран, на ақидаси мустақам, на келажаги бор кимсалар Ўзбекистонни ўтга чулғамоқни истаганларида кичик Андижон халқига умид боғлади? Қирғизистонга яқинлиги учунми, қўшни давлат тўнтаришининг шу диёр эли давом эттириши мумкинлигига ишонганлари учунми?

Худди шунинг учундир балки. Лекин Андижон, Андижон одамлари, дили ҳам, тили ҳам фақат ширин сўзни айтадиган ширинсухан водийликлар, аввало, сизга раҳмат! Раҳматким, ваҳшийликни вақтида сездингиз, раҳматким, ноинсонийликни вақтида тушуниб етдингиз. Бир тутам ақидапастларнинг қутқусига учмадингиз.

Биз — бир гуруҳ журналистлар воқеаларни холисона ёритиш учун Андижонга ташриф буюриш арафасида, тўғриси, хавотирландик. Жимитдеккина жонимизни гўёки ўтга ураётгандек сездик. Бизни у ерда нималар кутмоқда, кимлар кутмоқда, қаерда ва қандай кутмоқда? Қай бурчакдан қандай хавф бизни кузатиб турибди — хавфсирадик.

Андижон заминига оёқ қўйганимизда эса, тан олиш керак, бир-биримизга билдирмаган хавотиримиздан уялдик. Ҳар доимгидек тинч, ҳар доимгидек гўзал шаҳар қаршимизда одатий атиргуллари билан бизни кутиб олди. Кечагина юз берган воқеалар, хоҳлаймизми-йўқми, тарихда қолганлиги аён бўлди.

Бизнинг мақсадимиз ички ишлар ходимларининг содир бўлган воқеалар жараёнида ўз хизмат вазифаларини қандай амалга оширганлари, ҳар бурчакдан пайдо бўлиши мумкин бўлган хавфга қай даражада ҳозирлик кўрганликлари ва кўраёт-



Катта лейтенант Машъалбек Ҳошимовнинг оила даврасидаги сўнгги суратларидан бири...

ганликларини билиш, керак бўлса, хорижий оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган хабарларнинг қанчалик холисона эканлигига ойдинлик киритиш эди.


Вилоят Ички ишлар бошқармасига кириб борганимизда одатдагидек ташқари қайноқ ҳаётга дуч келдик. Бир неча кунлаб ҳордиқ нималигини билмаган ходимлар ҳақиқатнинг тагига етиш учун, асл моҳиятни билиш учун бор кучлари билан ҳаракат қилишмоқда, гумонланиб ушлаб келинганлар сўроқ қилинмоқда.

Гумондорлар сифатида кўлга олинганлардан бири — Авазбек Турғунов асли



Подполковник Музаффаржон Рустамовнинг отаси: «Жигарбандимнинг мардона ишидан розиман, боламиз биздан ҳам рози бўлсин».

тошкентлик экан. Ундан қандай қилиб Андижонга келиб қолганлигини сўра-



Андижон шаҳар шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш маркази шифокорлари жароҳатланганларнинг дардига малҳам бўлиш учун тиним билмадилар.

ганимизда у қуйидагиларни гапириб берди:

— Менга Андижонда 23 киши устидан бўлаётган суд жараёнида иштирок этишимни айтишди. Судда қатнашдим. Суд натижалари биз кутгандай яқунланмагач, тўполон бошланиб кетди ва менинг қўлимга ҳам автомат тутқазилди. Автоматдан ҳуқуқ-тартибот ходимларига қарши ўқ узганимни тан оламан. Бу ишларга билмасдан аралашиб қолганим учун барчадан, Президентимиздан, халқимиздан кечирим сўрайман...

Ўттиз бир ёшли йигитнинг, аниқроғи, эркакнинг Тошкентдай жойдан келиши ва тўс-тўполонларга киришиб кетишига, “бу ишларга билмасдан аралашиб қолгани”га сиз ишондингизми? Тошкентга кимлар юборганлиги ҳақидаги саволимизга у жавоб беришдан бош тортди. Бу унинг фуқаролик бурчи. Аммо қилмишига яраша жазодан қочиб қутилиши амри маҳол.

биздан рози бўлган бўлсин!

Отахонга таскин бериш учун ҳеч кимда куч топилмади. Ҳамма бирдек рўмолчасини ҳўл қилди...

Андижон шаҳар шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш марказида ички ишлар ходимларидан бир нечасига зарур тиббий ёрдам кўрсатиляпти. Кимнингдир жароҳати оғир, кимники ниҳоятда чидамсиз...

Тўғриси айтсам, журналист халқи эҳтиросга берилувчан бўлади. Халққа, миш-мишларга ўралашиб қолганларга ҳақиқатни айтиш учун ундан, керак бўлса, қайноқ нуқталарга кириб боришига тўғри келади. Биз ватандошларимизга аниқ факт ва рақамларга асосланган фикрларимизни билдириш учун имкони борича ҳаракат қилдик.

Бу борада айрим хориж оммавий ахборот воситалари бераётган хабарларнинг фақат ва фақат қуруқ бўлгандан, миш-мишдан иборат эканлигини ўз кўзим билан кўрган журналист сифатида алоҳида таъкидламоқчиман. Кимгадир, кимларгадир Ўзбекистоннинг ишончли ва истиқболли йўлни танлаб олганлигини тан олиш қийин кечяпти. Украина ва Қирғизистондаги ғалати номлар билан номланган инқилобни Ўзбекистонда ҳам кўришни жуда-жуда истаганлар мутлақо адашадилар. “Акромия” номи билан иш юритган кимсаларнинг қилмишларини бугунги кунда бутун Ўзбекистон халқи тушуниб етди. Нафақат оддий халқ, ҳаттоки, босқинчилар озодликка чиқариб юборган маҳбусларнинг аксарияти ўз ихтиёрлари билан ҳуқуқ-тартибот идораларига қайтиб келаётганлари жамиятимиздаги инсон ҳуқуқларининг топталмаганидан, топталмаётганидан далолат эмасми?

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, Ўзбекистон халқи ва ҳукумати ўзи танлаб олган ҳуқуқий-демократик йўлдан оғишмай бормоқда, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Андижон-чи? Андижон эса минг йиллик тарих тан олган бегубор инсонлар шаҳри бўлиб қолаверади!

Эркин САТТОРОВ.

Тошкент-Андижон-Тошкент.

Муносабат

Эр-хотин уришиб, бақир-чақир қилиб қолишса, энг аввало, қўшиллар хабар топишадди. Кўп ўтмай бутун маҳалла воқиф бўлади. Бу табиий. Лекин жанжал сабаблари тўрт тарафга тўрт хил мазмунда этиб боради. Бир қўшни ўзаро келишмовчилик сабабини одилона баҳоласа, иккинчиси бошқача фикр билдиради. Учинчи қўшни эса уларга нисбатан қалбида сақлаб юрган аламини олиш учун ўша оилани обрўсизлантириб қолиш пайида бўлади.

Андижонда рўй берган воқеани ҳам қайсидир маънода шунга қиёсласак бўлади. Сабаби, бу воқеа хусусида ҳам жаҳондаги оммавий ахборот воситалари нафақат тўрт тарафдан, балки фазодан туриб ҳам хабар тарқатган бўлишса-да, улар орасида айримлари учинчи қўшни каби мамлакатимиз обрўсига путур етказиш мақсадида, ғараз ният билан муносабатда бўлдилар.

Шу боис ғаразли мақсад билан эфирга узатилаётган хабарлар ва лавҳалардан, газеталарда ёритилаётган мақола ва маълумотлардан безовта бўлган Президентимиз нафақат воқеа тафсилотлари хусусида, балки уни ёритишдаги салбий, ноҳолис муносабатлар тўғрисида куюниб интервью бердилар.

Ҳатто шу матбуот конференцияси чоғида Андижондаги бир тўда жиноятчилар томонидан қатор давлат объектларига қуроли хужум бўлганидан сўнг уларга нисбатан қаршилик кўрсатилганини айтиб ўтган бўлса-да, бир хорижлик журналистнинг “Тинч аҳолини отишга ким буйруқ берди?” деган саволи унинг нияти қандайлигини яққол кўрсатди. Шунинг учун Президентимиз у сингари А.Қаҳҳорнинг “Майиз емаган хотин” ҳикоясида учрайдиган хотини майиз емайдиган айрим журналистларга, Ўзбекистонга ва юртимизда рўй бераётган воқеаларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кераклигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Эл оғзига элак тутиб бўлмайдиган деганларидек, Андижонда вазият ўз изига тушиб қолган бўлса-да, ҳали-ҳануз айрим нашрлар, агентликлар ўз ғаламис гапларини, хабарларини тарқатишда давом этаётти. Шу сабабли уларнинг асосий эътибори қайси жиҳатга қаратилаётгани ва шу томонларига ургу берилса, юртимизда тинчлик эмас, балки нотинчлик пайдо бўлиши мумкинлигидан уларнинг манфаатдор эканлиги хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Уларнинг биринчи мақсади жангари тўдалар томонидан ҳарбий ва давлат муассасаларига уюштирилган қуроли хужумни оқлаш бўлса, иккинчи мақсади мана шу жиноятчиларни жаҳон афкор оммасига улар тинч намоёнчилик эди деб таништиришдан иборат.

Хўш, улар тинч намоёнчиликлар экан, нега унда кундузи эмас, балки тунда, қоронғуда кўчага чиқишди? Ёки тегишли объектларга қуроли хужум уюштириб, беғуноҳ хизматчиларни отиб ташлаб, у ердан қуролини босқинчилик йўли билан олиб чиқиш, кўчада тўғри келган одамни гаровга

олиш қайси намоёнчиликлар рисоласида ёзилган? Ахир, бу бутун жаҳонда рўй бераётган террорчиларнинг қилмиши, хатти-ҳаракатининг ўзгинаси-ку!

Хўш, улар кимлар эди деган савол тугилиши табиий.

Улар “Ҳизбут-таҳрир” оқими таркибида бўлган ва 1996-1997 йилларда ўзаро келишмовчилик туфайли ундан ажралиб чиққан, бугунги кунда 400 нафардан зиёд аъзога эга бўлган “Акримийлар” эди. “Акримийлар” гуруҳи раҳбари 1960

ган жиноятчини отиш учун эса огоҳлантириш шарт эмас. Шундай экан, ҳарбийлар томонидан тинч аҳолига қарата ўқ отилди, деган гапни рўқач қилишга сира ҳожат йўқ. Улар қонунда белгиланган тартибда тўғри ҳаракат қилишди. Аксинча, зийракликни йўқотиб, ўзини керакли даражада ҳимоя қила олмагани учун уларнинг айримлари ҳаётдан бевақт кўз юмишди.

Хуллас, Андижон воқеалари Москвадаги “Норд-ост”, Шимолий Осетиядаги Беслан воқеаларига жуда-жуда ўхшайди. Вақти — соати келиб барчасига қонуний баҳо берилади. Аммо бу ҳаётда оёқ тойганда бошдан тепадиган, тепага чиқаётганинда оёгиндан тортадиган “дўст”лар борлигини ҳам ҳеч қачон унутмаслик керак. Зеро, улар қулиб туриб ёнимизда юрса-да, пайт пойлаб хужумга ўтиб қолишади. Шунинг учун доимо огоҳ бўлиш замон талаби.

Учинчи қўшни каби ўз ҳақимизда зимдан ноҳўя гап тарқалганини англаганда қалбимиз яраланади. Наҳотки, у биз ҳақимизда шундай дебди-ядеб, бироз хафа бўлсак ҳам, буни юзига айтмаймиз. Унинг ўзи ким эдию, гапи нима бўларди деб ўзимизга таскин берамиз. Чунки бизда эшиттирувчининг эмас, балки эшитувчининг ақлига қараб хулоса чиқарилади. Айрим оммавий ахборот воситалари нима дейишидан қатъи назар, халқимиз ўз ақлига қулоқ солиб иш тутати. Босиқлик, вазминлик билан фикр юритади. Етти ўлчаб бир кесиш, бирни кўриб фикр қилиш ва мингга кўриб зикр қилиш ўзбекка хос одат. Шу одат бизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Дарвоқе, шу ўринда фақат ва фақат портлашлар, тўполонлар, сув босишу тўфонлар ҳақида ошириб-тошириб хабар тарқатиш орқали обрў ортирмоқчи бўлган баъзи оммавий ахборот воситалари хусусида тўхталиб ўтсак. Гоҳида уларнинг тутаётган йўлига ҳайрон қолсан киши. Наҳотки, улар бировларнинг азоби, изтиробидан роҳат олишади? Ахир, бу ваҳший ҳайвонларга хос одат эмасми?

Демак, ҳар ким ўз одатини қилади. Тарки одат амри маҳол деганлари шу бўлса керакки, ўрганган кўнгил ўртанганида ақл жилови қўлдан чиққанини тушунса бўлади. Аммо нима бўлса ҳам мақсад ахборот тезкорлигини эмас, балки унинг ҳаққонийлигини, адолатли ва холислигини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Шундагина журналистнинг сўзи ўткир бўлади. Афсуслар, одил бўлиш, адолатли сўз айтиш ва холисона фикр билдириш ҳам-манинг ҳам қўлидан келавермайди. Чунки журналистларнинг айримлари ўз буюртмачиларининг топшириқлари асосида ахборот манбаини учинчи қўшнилardan олишади. Шу боис нафақат Ўзбекистондан, балки бошқа юртлардан тарқатилаётган хабарлар ҳам баъзан ҳаққоний бўлмайди. Буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак.

Шухрат РЎЗИЕВ,
ИИБ ШТБХ катта инспектори,
майор.

БЕЛИНГИЗДАГИ БЕЛБОҒ МАҲКАМ БЎЛСИН!

Табиат қанчалар гўзал. Гўзалликни кўриб, ҳис қилиб кўнгиллар қувончга тўлади. Яшаш завқи умрга мазмун бахш этади. Дарахт новдалари донишмандона тебраниши, япроқларнинг майин шивирлаши ҳаёт қўшигини айтаётгандай гўё. Лекин ҳар доим ҳам ана шу тириклик ва осудалик ҳаётимиз учун нечоғли керак эканини англай оламизми? Гоҳида билиб-билмай табиатнинг айрим инжиқликларидан нолиб ҳам кўямиз.

Одамзод ўзи шунақа: на иссиққа кўнади, на совуққа! Чунки табиатимизда, феъл-атворимизда ўзгарувчанлик ҳукмрон. Бу одат ҳар бир одам умрининг сўнгги давларига давом этади. Инсоннинг билмагани кўп. Билишга уринади. Сезади. Пайқайди. Ўзгаради. Тобора мукамаллашиб бораверади. Лекин биз барибир ҳар қандай ҳолатда ҳам тинчлик ва ҳаёт қадрини баъзан пайқай оламиз, баъзан эса йўқ.

Ҳолбуки, кашфиётлар, оламшумул ихтиролар замирида албатта, тинчлик ётибди. Аслида, тинчлик ва саломатлик бебаҳо неъмат ҳисобланади. Улар бир-бирига узвий боғлиқ бўлганлиги боис, ҳар иккаласини ҳам қадрлай билиш лозим. Оддийгина мисол келтирамиз: бир ҳовлидан иккинчисига кўчапсиз, рўзгор анжомларини жойига қўйиш, тартибга солиш, жиҳозлар ўрнини тўғри танлаш... Хуллас, қанча ташвишлар, безовталиклар ва ниҳоят янги жойга кўниқиш. Мабодо чумчуқнинг ини бузилса, қанча тўс-тўполон бўлади. Тасаввур қилинг-а.

Булар-ку бизнинг мўъжазгина ҳаётимизда содир бўладиган оддий ҳолдир, эҳтимол. Аммо бутун бир бошли маҳалла-қўй, шаҳар аҳолиси тинчлигини, осудалигини кўриқлаётган ички ишлар ходимларининг иш фаолияти қандай кечади?

Дунёда касблар кўп. Касбнинг катта-кичиги, яхши-ёмони бўлмайди. Ҳар бирининг ҳаётда ўз ўрни бор. Улар бир-бирисиз бошқалари ўрнини тўлдиролмайди. Ҳар бир касбнинг ўзига хос завқи, машаққати ва ёқимли томонлари ҳам мавжуд. Ҳар ким касбини сева олсагина шу орқали ҳаётда, ишда, жамиятда ўз ўрнини топади. Сўнгра, унга бир умр фидойи, содиқ бўлиб қолади.

Тонг отгандан то кун бопунга қадар фақат хушёрлик, сергаклик, зийраклик, тетиклик, талабчанлик, ўта жиддийлик каби фазилатлар ила бизнинг осуда ҳаётимизни кўриқлашди тинчлик посбонлари.

Ички ишлар ходими бўлиш жуда мураккаб, аммо шарафли. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган қадриятларга назар ташласак, қадимдаёқ элнинг асл ўғлонлари ана шу вазифани бажарганлар. Эл-юрт

ишончини, Ватан тинчлигини кўриқлаб, ҳурматга сазовор бўлишган. Уларнинг иш фаолиятини эҳн солиб қузатсангиз, тиним билмайдилар. Бир қарасангиз тартибузарлар билан суҳбатлашаётган, бошқа пайт фуқаролар ўртасидаги низони тинчтиришга уринаётган бўлишади.

Айниқса, тунлари аҳоли тинчлигини кўриқлаш катта масъулият талаб этади. Улар ҳамиша безовта, вазиятга кўз-қулоқ бўлиб туришади: Чунки шундай тарбияландилар. Мардлар, баҳодирлар мактабидан ана шундай сабоқ олишади, чиниқишади. Ватан меҳри юракларига жо бўлади. Улар жуда ориятли, ҳамятли бўлишади. Ҳар қандай вазиятда, қийналган тақдирда ҳам зиммаларидаги бурчини унутмайдилар. Қўл силтаб кетолмайдилар. Чунки, бу ҳақиқий эр кишининг вазифаси-да.

Бир сержант йигитни билан. Илгари жангарилар билан тўқнашув пайтида оёғидан ўқ еган. Бу воқеани ўзи эмас, онаси айтиб берган эди. У шифохоналарда ётиб даволанди. Лекин асорати қолди. Ҳавода ўзгариш бўлса, яъни совуқ бошланса, оёғидаги оғриқ зўраяди. Хўш, биз унинг ҳолатини кўз олдимизга келтира оламизми? Борди-ю, бармоғимизга кичкина зирапча қадалиб қолса, оғриқдан қанча азоб чекамиз. Жон ширин-да! Лекин шу ширин жонини гаровга қўядиган азаматларни ким деб атайлик?! Ахир, биз улардан — тинчлигимиз ҳимоячиларидан маънан қарздормиз-ку? Уларнинг биз учун чеккан машаққатларини, уйку нималигини билмай тунни тонгга улаган онларини ҳеч нарса қоплай олмайди. Агар эътибор берган бўлсангиз уларда фахрланиш туйғуси кучли. Эл-юрт фаровонлиги ила гурурланишади.

Ҳа, азизлар! Инсон боласи кўп нарсани тушуниб етмагани учун ҳам ҳамиша тарбияга муҳтож. Ҳаётдаги ўзгаришлар, тараққиётлар ранг-баранг кўринишларда давом этар экан, бир-биримизни асрамоғимиз, авайламоғимиз инсонийлик бурчимиздир. Шунинг учун ҳам Президентимиз олиб бораётган оқилона ва одилона сиёсат мислсиз аҳамиятга эга. Юртбошимизнинг ўлмас ғояларини ҳаётга кенг тadbик қилишимиз кечиктириб бўлмайдиган вазифа. Ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз учун ақл-идрокни ўрнида ишлатиш лозим.

Доно халқимизда ажойиб бир ибора бор. Бир ишга астойдил киришмоқчи бўлган одам “Белимни қаттиқ боғладим” дейди. Буни тинчлик, осойишталикни сақлаётган посбонларимизга нисбатан ҳам қўлласак арзийди.

Каромат ДЎСТМАТОВА.

УЧИНЧИ ҚЎШНИ ёки хабарчида инсоф, эшитувчида ақл бўлсин

йилда Андижон вилоятида туғилган Акрим Йўлдошев бўлиб, у “Ҳизбут-таҳрир” оқимининг фаол аъзоларидан эди. Акрим Йўлдошев ҳокимиятни эгаллашда бошқача йўлни танлагани учун “Ҳизбут-таҳрир”дан ажралиб чиқади. Яъни, у аввало бир худуддаги ҳокимиятни эгаллаб, кейинчалик бошқасини эгаллаш ниятида бўлади. Андижондаги воқеа эса айнан улар томонидан амалга оширилган ҳаракат эди. Шу боис халқ уларга қўшилгани йўқ. Натижанда уларнинг ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш мақсадида бир неча ойдан буён тузган режаси барбод бўлди.

Энди ҳарбийлар томонидан уларга кўрсатилган қаршиликни “халққа қарши ўқ отилди” дея баҳолаётган айрим журналистлар фикрининг тутруксизлиги шундаки, уларнинг гапига ишонган киши аввало биров юзига бир шапалоқ урганда жимгина туриб, ака бунисига ҳам уринг, буниси қолиб кетди деб иккинчи юзини тутиб берадиган одам бўлиши керак.

Ярим тунда қурол билан келиб ёнида турган шеригини отиб ташлаган одамларни отмаган ҳарбийни қаерда ким кўрибди? Ёки улар: “Э раҳмат, ака, бопладингиз, аммо мени кўрмай қолдингиз-да, мана бу ёқда мен ҳам борман” деб югуриб кўкрагини ўққа тутиб бериши керакмиди?!

Кечирасизлару, ҳарбийлар ўз низомига кўра нафақат уларга хужум қилган, балки ўзлари кўриқлаётган пост худудини бузиб ўтган номалум шахсни ҳам отишга ҳақли. Бундай ҳолатларда фақат огоҳлантириб отишади. Нафақат чегарани, балки бутун дарвозани бузиб кир-

Маърифат дарси

... Юртимизда тарихий шахслар, шахарлар, маданий ёдгорликларни эъзозлаш, авайлаб-асраш, ҳурматини жой-жойига қўйиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу ерда гап тантанада эмас, муҳими, биз аждодларимизни ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлашимиздадир.

Ислоҳ КАРИМОВ.

Мустабид тузумнинг қатағон йиллари жабри-ни кўриб, бевақт ҳаётдан кўз юмган буюк сиймолар орасида Абдулҳамид Чўлпоннинг алоҳида ўрни бор. У хурликни, ҳақиқатни севган шоир сифатида шеърят осмонида ёрқин юлдуз бўлиб порлаб турибди.

Биз ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти қураёпмиз. Киши ҳар бир масалани қонун ёрдамида, қонуний йўл билан ҳал қилиши лозим. Агар ўша жангарилар қамоқдаги маслакдошлари ноҳақ қамалган ёки судланаётган шериклари адолатсиз судланаяпти деб ҳисобласалар нега юқори турувчи суд идораларига мурожаат қилмадилар. Яна такрор айтаман, бизнинг жамиятда киши ўзининг ҳақлигини ёки ҳуқуқлари поймол этилаётганини исботлаши учун қўлига қурол олиши шарт эмас. Бунинг учун республика Олий судига, Конституцион судга мурожаат этиши мумкин. Қолаверса, борингки, суд тизимига ишонмаймиз дейишса, парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)дан ёрдам сўраса бўлади. Кўпинча ўзининг ноҳақлигини билганлар "Кўрқоқ олдин мушт кўтарар" қабилида иш тутишади. Энг афсусланарлиси, жангарилар орасида бу йўлга адашиб кирган ёшлар ҳам бўлгани. Айни ўқийдиган, билим оладиган, касб ўрганадиган пайти улар қўлларига қурол олиб бегуноҳдан-бегуноҳ одамларнинг қонини тўкишса, ўзлари ҳам жувонмарг бўлишса, афсусланмайдимки киши. Нариги дунёда уларнинг ҳам гуноҳи бу ёшларнинг онгини захарлаб, залолат йўлига бошлаган йўлбошчилари бўлишига тушса, ажаб эмас.

Ўша постда турганида, навбатчилик қилаётганида жангарилар ўқиға учган аскар болалар, милиция ходимлари, гаровга олиниб отишмалар чоғида ҳалок бўлган фуқаролар кимнингдир акаси, укаси, ўғли, жигарбанди эди-ку. Улар ҳаётда нима кўриб улгуришди? Яқинлари бу айрилиқ ғамидан куйиб адо бўлмайдими? Эссиз хазон бўлган умрлар. Тенгдошларимга қарата айтадиган гапим: хушёр бўлинглар, ким нима деса эргашиб кетаверманглар, ўзларингиз мустақил фикр юртишга, мушоҳада қилишга ўрганинглар, дўсту душманнинг, оқу қоранинг фарқиға боринглар.

Севара **СОДИҚОВА,**

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети I курс талабаси.

Хизматларда

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТГА ЧОРЛАЙДИ

Тезкор вазиятни барқарорлаштириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда профилактика хизмати муҳим роль ўйнаши бугун ҳаммага аён. Қўшрабт тумани ИИБда 14 нафар профилактика инспектори бу муҳим вазифа билан машғул. Маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Тумандаги ўнга яқин милиция таянч пунктида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш кенг кўламда ҳал қилинапти.

Профилактика инспектори, катта лейтенант Хусниддин Облоқулов маҳаллада нотинч вазият юзага келганидан бохабар бўлса, бу ҳақда авваллабор жамоатчиликни хабардор қилади. Шундан сўнг ўзаро бамавқоқ самарали чораларни белгилаб олишади. Унга 4 та маҳалла бириктирилган. Бу ҳудудда 11800 киши яшайди, 7 та мактаб, 3 та болалар боғчиси ва 2 та корхона жойлашган. Муқаддам судланган 22 фуқаро, яна шунча жанжалкаш оила профилактика хисобда туради. Хуллас, иши етарли. Хусниддин асли шу ерлик. Умр йўлдоши Гавҳар маҳалладаги мактабда дарс беради.

Мана 5 йилдирки, Хусниддин ички ишлар идораларида

фаолият кўрсатади. Жиззах политехника институтини тугаллагач эксперт-криминалист вазифасида иш бошлади. Кўрғон аҳолисини етти ёшдан етмиш ёшгача – деярли ҳаммасини танийди.



– Одамлар жамоат хавфсизлигини таъминлашда бизга кўмак беришга ҳамиша тайёр, – дейди мамнуният билан Хусниддин. – Кўплар тинчлик-осойишталик аввало ўзларига боғлиқлигини яхши англашади. Жорий йилнинг ўтган даври ичида маҳаллаларда бир нечта аризани кўриб чиқдик. Оилаларда, кўни-кўшнилари ўртасида юзага келган турли низолар жойида ҳал қилинди. Фаолиятим давомида биринчи галда фуқароларни жипс-лаштиришга, ҳар қандай келишмовчиликлар, кўнгилсиз-

ликларнинг олдини олишга ҳаракат қиламан.

... Бу воқеа "Аксилтеррор" тадбири чоғида юз берди. Профилактика инспектори, катта лейтенант Х. Облоқуловга шу туманлик бир киши

аҳолидан сўраб-суриштирди. Шунда кўшни маҳаллада беш кундан буён бир бегона киши яшаётганини аниқлади. У гўёки бузилган машиналарни тузатиб юрган экан. Тезда асли хоразмлик бу "меҳмон" ўғрилиги, аниқроғи мол ўғриликлари содир этгани учун илгари уч марта судланганлиги аён бўлди.

Бошқа бир очган жинояти ёш офицернинг бир умр ёдида қолса керак. Бунга бир неча йил бўлди.

– Оқтепа қишлоғилик бир киши олдимга келиб, акаси йўқолиб қолганини айтди – дея хикоя қилади Хусниддин. Бунга бир йиллар бўлибди. Йўқолган кишининг хотини: "Эрим ишлаб пул топгани кетган эдилар", – деди. Аммо ҳалиги киши ҳар доим бир хил туш кўрар экан. Тушида акаси ўзини аллақандай чуқурдан тортиб олишини сўрармиш. "Тушим мени ўйлантириб қўйди, – ичидагини очиқ айтди у. – Янгам илгариги ҳожатхонасини кўмдириб, янги жойдан қурдиргани ҳам шубҳамни кучайтирди. Бунда бир гап бор..."

Хусниддин бу ҳақда раҳбариятга ахборот бериб, тергов-тезкор гуруҳи билан воқеа жойига чиқди. Эски ҳожатхона ўрни кавланганда эркак кишининг мурдаси топилди. Маълум бўлишича, аёл 16 ёшли ўғли ўз отасини болта билан чопиб ташлагани устидан чиқиб қолган экан. Мазкур

оилада тез-тез жанжал бўлиб турган. Аммо улар буни ҳеч кимга сир бой беришмаган. Яра йиринглайверса охири бир кун ёрилади-да. Падаркуш ўсмир ҳам, жиноятни яширган онаси ҳам қилмишларига яраша жазо олишди. Профилактика инспектори хизмат фаолияти давомида кўплаб жиноятларни фош этишига тўғри келди. Аммо шуниси энг шафқатсиз бўлса керак.

Хусниддин профилактика инспектори этиб тайинланиши арафасида мазкур ҳудудда йил давомида 12 та жиноят содир этилган эди. Ҳозирга келиб ушбу кўрсаткич икки бараварга қисқарди. Осойишталикни сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ёш профилактика инспекторига М. Мавдиров, О. Тўраев каби маҳалла посбонлари, маслаҳатчи О. Қобилова ва бошқалар яқиндан ёрдам беришяпти. Хусниддин кўп нарса атрофидаги одамларга боғлиқлиги, улар ҳар бир қишлоқда тинчлик-хотиржамлик ҳукм суришига сидқидилдан ёрдам бераётганликларига неча бор амин бўлди. Ўзи ҳам эл ишончини оқлашга ҳаракат қилаяпти. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир, Хусниддин шу ерда туғилди, вояга етди, қўшрабтликлар уни болалигидан яхши билишади, унга ишонишади. Бу ишонч эса Хусниддиннинг зиммасига улкан масъулият юклайди.

Дилбар САЛОҲИДДИНОВА,

Суратда: профилактика инспектори, катта лейтенант Х. Облоқулов маҳалла аҳли билан суҳбатлашяпти.

Муаллиф олган сурат.

ЖАМОА ФАХРИ

Ўзини Она-юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон қайси соҳада ишлашидан қатъи назар, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиб, умрини ўз касбига бахшида этади. Бундай инсонлар ҳеч қачон элнинг назаридан қолмайди. Хоразм вилояти ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлимида ҳам эл осойишталиги йўлида ҳалол хизмат қилиб, ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлаётган инсонлар кўпчилигини ташкил этади.

– Ходимларимиз ўта муҳим ва тоифаланган халқ хўжалиги иншоотларини ишончли кўриқлашади, – дейди вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими отряди сардори, майор Фарход Сотипов. – Улар ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндошаётганлиги сабабли кейинги ўн йил ичида кўриқланаётган корхона ва ташкилотларда биронта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Бундан ташқари, отряд шахсий таркиби эл осойишталигини сақлаш, турли кўриқлашдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда фаол иштирок этиб келишмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг шу даврига қадар жиноят содир этишда гумон қилинган 25 нафар фуқаро кўриқлаш бўлими отряди ходимлари иштирокида ички ишлар идораларига келтирилган. Махсус режа асосида майда ташмачиликка қарши ўтказилган текширувларда 70 та ҳолат аниқланиб, қонунбузарлар маъмурий тартибда жавобгарликка тортилдилар.

Хизмат самарадорлигига эришишда катта сержантлар Баҳодир Абдуллаев, Мақсуд Жуманиёзов, Искандар Искандаров, Руслан Курбонов, Қахрамон Сўпиев, Отамурод Рўзимов, Олимбой Отабоев, Сафдор Маткарим Оллаёров, Мансур Жабборов сингари осойишталик посбонларининг ҳиссаси катта бўлаётир.

Бекмурод УСМОНОВ.



Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририятининг "Постда" ва "На посту" газеталари ташкил топган кун муносабати билан ИИБ "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда ИИБ Бош бошқарма, бошқарма бошлиқлари, Бирлашган таҳририят фахрийлари, вилоятлар ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати раҳбарлари, матбуот гуруҳи инспекторлари, республикамиздаги бир қатор ҳуқуқ-тартибот идораларининг нашрлари вакиллари ва бошқа меҳмонлар иштирок этдилар.

ТАДБИР МАРОҚЛИ ЎТДИ

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов олиб борди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБХ бошлигининг ўринбосари, полковник А. Сатторов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг, генерал-полковник Зокиржон Алматовнинг "Постда" ва "На посту" газеталари таҳририяти жамоасига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

ИИБ Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, капитан Ш. Муродов газеталарнинг тарихи ва айни кундаги фаолияти юзасидан маъруза қилди.

ИИБ Фахрийлар Кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ф. Раҳимов, таҳририят фахрийси, истеъфодаги подполковник Х. Абдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, ижодий жамоани ва барча муштарийларни самимий муборакбод этдилар.

Кўп йиллик самарали ижоди ва меҳнати билан ўрнатилган бир гуруҳ ижодий ва техник ходимлар, фаол жамоатчи мухбирларга Ички ишлар вазирлиги ва Бирлашган таҳририятнинг Фахрий ёрликлари топширилди.

Шу кун таҳририят



Суратдалар: тадбирдан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

мухбири, подполковник Муҳаммадрасул Кимсанбоев тантанали равишда нафақага кузатилди.

Тантана сўнггида йиғилганлар ва меҳмонлар учун дастурхон ёзилди.

Ўз мухбиримиз.

ҲАЁТНИНГ ОҚ ВА ҚОРА ЧИЗГИЛАРИ

ЭЪТИБОР УЧУН ТАШАККУР

Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ ҳузурдаги хорижий элчихоналарни қўриқлаш батальонининг отряд сардори Фатхулла Ҳикматуллаев уч нафар ички ишлар ходими билан хонадонимизга кириб келиши мени ҳайратга солди.

– Батальон сардори, подполковник Азаматжон Эгамбердиевнинг буйруғига кўра фахрийларни қутлаб юрибмиз, – деди у 15 минг сўм пулни стол устига қўяр экан.

Нафақага чиққанимга 25 май куни 10 йил тўлади. Гапнинг очиги пул учун эмас, каминани эслашгани кўнглимни тоғдек кўтариб юборди. Ахир мен билган сардорлар, сафдошларнинг кўпчилиги аллақачон нафақага чиқиб кетишган. Беш-ўн дақиқали гурунган сўнг ходимлар кўзгаллишди. Уларни ташқарига кузатиб, хонага кирар эканман, ўйга толдим, ички ишлар идораларида 30 йил хизмат қилибман. Ҳамкасбларим ҳамон мени унутмабди.

Мендек фахрийга билдирилган эътибордан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Холмамат МҮЙДИНОВ.

Куюнчак сардор

Орамизда шундай инсонлар борки, гайрат-шижоатларига қойил қолмай иложингиз йўқ. Уларнинг яна бир яхши хусусияти – ўзлари қолиб, ўзгаларнинг манфаатлари учун жон куйдириб яшайдилар. Камолиддин ака Мансуров ана шундай инсонлардан биридир.

Андижон шаҳридаги Хўтанарик маҳалласида у кишини барча танийди, шаҳарда ҳам ўз обрў-эътиборига эга. Хатто, баъзи ташкилотларнинг раҳбарлари у ҳақда гап кетса: “Э-ҳа, Камолиддин аками!” деб кўйишади.

Ҳа, Камолиддин аканинг бугун ташриф буюрмаган идораси қолмаган, ҳисоби. Маҳалладаги кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотган фуқароларга ҳамisha ғамхўрлик кўрсатади. Уларнинг манфаати йўлида керакли идораларга боради. То масала ижобий ҳал бўлмагунча тиним билмайди.

Камолиддин Мансуров 1999 йилда маҳалла посбонлари сардори этиб сайланган. У ишни мавжуд 7 та кўча, 14 та кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар билан яқиндан танишиб, уларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиб чиқди. Кимга қандай ёрдам керак бўлса, дафтарида белгилаб қўйди.

– Инсоннинг уйда аввало тинчлик бўлсин, – дейди қахрамонимиз биз билан суҳбатда. – Оиласи аҳил, фаровон бўлса, маҳаллада ҳам осойишталик бўлади. Баъзан ўйлаб қоламан: ногиронлик гуруҳига чиқа олмаётган кишига ёрдам бериш менинг бурчимми? Албатта бурчим! Ўзингиз ўйланг, у бирор жойга ишга кирай деса ногиронлиги туфайли қабул қилиш-

майди. Нафақа пули олай деса, керакли ҳужжатлардаги етишмовчиликларни рўқач қилишади. У нима қилади? Ўғирликми? Бундай одамнинг уйда тинчлик ҳам бўлмайди. Шунинг учун маҳалламиздаги фуқаронинг муаммосини ҳал этиш учун ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, К. Мансуровнинг саъй-ҳаракати билан гарчи туғма ногирон бўлса-да, буни ҳужжатлар асосида тасдиқлай олмаётган аёлга II гуруҳ ногирони сифатида нафақа пули белгиланди. Ота-онаси ташлаб кетган икки фарзанд Андижон шаҳри фуқаролик суди ҳукми билан отаси томонидан алимент пули оладиган бўлди. Бу каби хайрли ишларнинг қай бирини санайлик. Унинг маҳалла посбонлар сардори вазифасида амалга ошираётган ишлари бугун ибрат мактаби сифатида тан олинган.

Камолиддин ака Мансуров оилада меҳрибон ота, набираларининг сеvimли бобоси. Ўғиллари, сержантлар Элдорбек Мансуров айна пайтда Тошкент шаҳар ИИБДа, Хайрулло Мансуров эса Андижон вилояти ИИБДа хизмат қилмоқда.

Юртдошларимиз Камолиддин акадек фидойи инсонлар билан ҳамisha фахрланадилар. Шу боис ҳам у кишини барча халқ сардори дея ҳурмат билан тилга олади.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

ЎҒРИ ТАВБА ҚИЛСА ҲАМ...

Ҳеч ким жиноятчи ёки етук инсон бўлиб туғилмайди. Бунда тарбия етакчи роль ўйнашини унутмаслик лозим. Б.Ўткир маънавий озуқадан бебаҳра ўсди. Унинг табиати гўё асов дарё. Негадир “ҳалоллик” “бировнинг ҳақи” тушунчаларини ҳазм қилолмасди. “Нима учун ўзгаларнинг пешона тери билан топилган пуллари ҳисобига яшашим керак?” деган мулоҳаза унинг учун ёт эди.

Ўткир “тажрибали” ўғри, чўнтаккесар. Ҳаётда энгил-елпи яшашга ўрганиб қолган бу киши гарчи эллиқни қоралаб қўйган бўлса-да, ҳалигача ҳаётда ўз ўрнини топа олгани йўқ. У муқаддам бир неча бор судланиб ҳам ўзига хулоса чиқариб олмади. Ишнинг осони “қасб” қилди. Ўғри тавба қилса ҳам қўли тавба қилмас экан-да. Панжара ортида ўтирганида ўз-ўзига энди бу “иш”нинг этагини ҳам тутмайман, дея сўз берардию, қуриб кетгур “ўрганган кўнгли” унинг измига бўйсунмасди.

У соат 11.00 лар чамасида “Сомоний” деҳқон бозорини кезиб чиқди. Атрофга олазарақ боқар экан, “объект” кидирарди. Бирок иши ҳеч олдинга силжимади. Ҳафсаласи пир бўлгач. “Бухоро-Галасиё” йўналиши бўйича қатновчи автобусга чиқиб олди. Одам тигиз автобусда омади келиши аниқ. У йўловчиларнинг чўнтақларини пайпаслай кетди.

Шу пайт тахминан 17-18 ёшлардаги бир йигитнинг чўнтақларида кўриниб турган 500 сўмлик пуллар

унинг эътиборини тортди. Аста яқинлашиб йигитнинг чўнтагига қўл суқди. Бироқ унинг бежо ҳаракатини йўловчилар сезиб қолишди. Автобус ичида бўлган ички ишлар ходими ёрдамида киссавур қўлга олинди. Хавфли рецидивист деб топилган жиноятчи суд ҳукмига кўра 8 йил озодликдан маҳрум қилинди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. А. Навоийнинг “Ҳайратул аброр” асарида айтилишича: “Тавба, бу – ўз айбидан хабардор бўлишдир, олдида турган йўлнинг хавфлиликни тушунишдир. Ёки йўлдан адашиб қолган вақтда бу аҳволга ўзининг айбдорлигидан огоҳ бўлишдир”. Демакки, кўнгли пушаймонликда ўртаниб, жони хижолат ўтидан азобланса, тафаккур юритиб, ўз қилмишларидан нафратланса – бу тавбадир.

Аммо бир неча бор судланиб ҳам ўз қилмишларию, мунофиқлигидан тавба қилмаган инсонни ким деб аташ мумкин?!

Лукмон ҚОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Бухоро шаҳар суди судьяси.

ИНСОНИЙЛИКНИ УНУТИБ

Кечки пайт Холмурод Сапаров Сурхондарё вилояти Таллимарон деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси марказидаги ошхоналарнинг биридан 300 грамм ароқ ичдию, Бозор Абдиевга тегишли “Дамас” русумли автомашинани уйи томон елдириб кетди. Хўжалиқ ҳудудидаги мол бозори қаршисида катта тезликда бораётиб йўл ёқасидан кетаётган одамни уриб юборганини сезиб қолди. Кайфи ҳам тарқаб кетди. “Ўлган бўлса керак. Оғайниларининг қўлига тушсам, омон қўйишмайди. Яхшиси, акамларни хабардор қилай, бирор иложини топишар” деган хаёлни кўнглидан ўтказган Холмурод машинани буриб, кочиб қолди...

Мамат Шомуратов ўша куни бошқа ҳовлида яшаётган ўғлига томорка ишларида кечгача кўмаклашди. Кечки овқатни еб, ўз уйига жўнади. Лекин у уйига етиб боролмади. Хонадондагилар ўғлиникида, ўғил эса отам уйга етиб олгандир, деган хаёлда бамайлихотир уйкуга кетишди. Бу вақтда Мамат ака зовур ичида жон талашиб ётарди. Кимнингдир чакируви билан етиб келган шифокорлар ҳам унинг жонига оро киришолмади.

Машина бировники, бунинг устига спиртли ичимлик истеъмол қилган Холмурод Сапаровнинг кўрқоқларча кочиби кетиши натижасида бир инсон ҳалок бўлди. Ушбу автофалокат билан боғлиқ ҳолатлар пухта ўрганиб чиқилди, гумондор сифатида ушланган Х. Сапаровга қўйилган айблар тегишли ҳужжатлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари, судланувчининг тўлиқ иқрорлиги билан ўз исботини топди. Суд унга нисбатан камоқ жазоси тайинлади.

Холмурод Сапаров бир кун жазони ўтаб қайтади. Аммо марҳумнинг ўғил-қизлари унинг номини газаб, нафрат билан тилга олишмайди, деб ким кафолат беради? Х. Сапаров марҳумнинг руҳи олдида виждон азобида юриши, ҳамқишлоқларининг юзига тик қаролмаслиги ҳам бор гап.

А. НАВРҮЗОВ,
капитан.



Суратда: Камолиддин Мансуров (ўнгдан иккинчи) маҳалла аҳли билан навбатдаги тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

E-mail: urmvd@globalnet.uz

Тел.: 54-37-91

“Ўзбекистон Республикаси Фуқароси ўз ҳудудидан ташқарида ҳуқуқий ҳимоя ёки ёрдам олишга ҳақлими?”

**В. Асилов,
тиббиёт ходими”.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасига асосан, давлат ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шунингдек уларга мамлакат ичкарида ҳам, унинг ташқарида ҳам ҳомийлик кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Конституция ва Фуқаролик тўғрисидаги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг хориждаги фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш мажбурияти барча давлат идоралари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари зиммасига юклатилади. Мазкур ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари истиқомат қилаётган давлатнинг қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартномалар ва ўз давлатимиз қонунчилиги билан мустаҳкамланган барча ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти таъминланишига кўмаклашишлари шарт.

“Ҳурматли тахририят! Менга бир масалада маслаҳат беришингизни сўрайман. Пудрат ишларига буюртмаларни жойлаштириш қай йўсинда амалга оширилади?”

**З. Омонов,
Тошкент вилояти
Паркент тумани”.**

Ушбу саволга жавоб беришни республика ИИБ Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи, полковник М. Сагатовдан илтимос қилдик.

Пудрат ишларига буюртмаларни жойлаштириш танлов савдоларини ўтказиш шартлари асосида амалга оширилади. Танлов савдоларида иштирок этишга фақат ишлар (хизматлар) қийматининг камида 20 фоизи миқдорда айланма маблағларига бе-

риш учун банк кафиллигига эга бўлган пудрат ташкилотларига қўйилиши мумкин.

“Бир танишимга қарз бериб, қайтариб ололмаяман. Вақтида нотариал идора орқали шартнома тузмаганим панд бераяпти. Бошқалар ҳам мендек чув тушиб қолмасликлари учун қарз шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳақида тунунча берсангиз.

**С. Олимқулов,
тадбиркор”.**

Мазкур савол юзасидан юридик фанлари доктори, профессор Ж. Холмўминов ва юридик фанлари номзоди Н. Норматовлар шундай фикр билдирдилар:

– Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига), пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёхуд қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни қайтариб бериш мажбуриятини олади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 732-моддасига биноан ушбу шартнома пул ёки ашёлар топширилган пайдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади.

Қарз шартномаси оддий ёзма ёки нотариал тасдиқланган ёзма шаклда тузилади. Кундалик ҳаётда кўп учрайдиган, қарз олганликни тасдиқлаш тариқасида берилган тилхат ёзма шаклда тузилган қарз шартномаси жумласига киради. Шартномада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

– қарз берилган ашёнинг хили, сифати, миқдори ва суммаси;

– қарзни қайтариш муддати ва тартиби;

– қарзни вақтида қайтармаганлик учун жавобгарлик;

– қарзнинг қайтариб берилишини таъминлаш мажбуриятлари;

– бошқа шартлар.

Фоизли шартномада булардан ташқари қарз

юзасидан шартнома бўйича белгиланган фоизлар, уларни тўлаш тартиби ва муддати ҳам кўрсатилиши керак.

Қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик, Фуқаролик кодексининг 109-моддасида белгиланган қоидага мувофиқ, унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Шуни назарда тутиш лозимки, қарз шартномасининг ёзма шаклда бўлмаслиги қарз суммасини ундириш тўғрисидаги даъвонинг суд томонидан рад этилишига асос бўлиши мумкин. Гувоҳларнинг қарз шартномаси содир бўлганлиги тўғрисидаги кўрсатмалари далил бўла олмайди.

Қарз олувчи қарзни, қарз фоизларини қайтариш юзасидан зиммасига олган мажбуриятларини бажармаган ва шартномани бошқача тарзда бузган тақдирда қарз берувчи судга даъво билан мурожаат этишга ҳақли.

“Менинг миллатим ўзбек, умр йўлдошимники эса тожик. Фарзандимиз ўн олти ёшга тўлди. У фуқаролик паспорти олаётганда ўзи хоҳлаган миллатни танлаш ҳуқуқига эгами?”

**Қ. Зиёдова,
уй бекаси”.**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи, полковник Б. Шорихсиев мазкур саволга шундай жавоб берди:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисидаги Низом” талабларига кўра паспортга фуқаронинг миллати тўғрисидаги ёзув ота-онасининг миллатига қараб киритилади. Агар фуқаронинг ота-онаси турли миллатга мансуб бўлса, биринчи мартаба паспорт берилаётганда паспорт олувчининг истагига кўра отаси ёки онасининг миллати ёзилади. Кейинчалик миллати тўғрисидаги ёзув фуқаро-

нинг ёзма аризаси бўйича отаси ёки онасининг миллатига алмаштирилиши мумкин. Аммо фақат бир марта ўзгартирилади.

“Келгусида ҳарбий хизматчи бўлиш ниятим бор. Аммо ота-онам бир умр эгнингга форма кийиб юрасанми, деб кўнишмаяпти. Айтингчи, ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегараси қандай?”

**О. Даминов,
мактаб ўқувчиси”.**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ахборот-таҳлил бўлими катта офицер-ҳуқуқшуноси, подполковник И. Жумаев:

Амалдаги тартиб-қоидага кўра ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегараси қуйидагича:

– шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар учун – 45 ёш.

– кичик офицерлар учун – 43 ёш.

– катта офицерлар учун – 45 ёш.

– полковниклар учун – 50 ёш.

– генераллар учун – 55, 60 ёш.

“Яқинда ҳудудимизга хизмат кўрсатаётган профилактика инспектори бизникига меҳмонга келган қариндошимни 3-4 соат хизмат хонасида ушлаб турди. Бунга инспекторнинг ҳаққи борми?”

**Н. Шерматова,
Ангор тумани”.**

Республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти бошлиғининг ўринбосари, полковник О. Жалиловнинг сўзларига қараганда, профилактика инспектори ўз хизмат ҳудудига келган нотаниш фуқаронинг паспортини текшириб кўради. Агар ёнида ушбу ҳужжат бўлмаса унинг шахсини аниқлаш мақсадида милиция таянч пунктига олиб келишга ҳақли. Фуқаро 3 соат давомида ушлаб турилиб, туман ИИБ ХЧК ва ФРБ ёки вилоят маълумотлар бюроси орқали шахси аниқланиши мумкинлиги республика Ички ишлар вазирлигининг 2002 йил 7 июндаги буйруғида кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари фуқаро вилоятдан келиб, 3 кун ичида туман ИИБ ХЧК ва ФРБ бўлимидан вақтинча рўйхатдан ўтмаса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддаси 1-қисмида кўрсатилган

ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, унга нисбатан маъмурий жазо қўлланилади. Шу боис меҳмон ўзи келган ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда профилактика инспекторига учрашиб, вақтинча рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида хабар бериши лозим.

“Агар фуқарога бошқа бир шахс томонидан қасддан тан жароҳати етказилган бўлса, у кимга мурожаат қилиши керак?”

**Р. Ражапов,
Чироқчи тумани Чиял қишлоғи”.**

Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник А. Хушвақтов:

– Фуқарога бошқа бир фуқаро томонидан қасддан тан жароҳати етказилса, ўзи яшаб турган ҳудуд профилактика инспекторига мурожаат қилиши лозим. У ўз навбатида суд-тиббий кўрикдан ўтишга йўлланма беради.

“Кўп қаватли уйда истиқомат қиламан. Бир подъездда яшовчи қўшнимиз ит боқади. Бу атрофдагиларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Ит боқиш учун маълум қоидалар белгиланганми, агар шундай қоидалар бўлса, улар бузилган тақдирда, қандай жавобгарлик назарда тутилган?”

**М. Азимова,
Тошкент шаҳри”.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 январдаги қарори билан аҳоли яшаш пунктларида ит, мушук ва бошқа ҳайвонларни боқиш қоидалари тасдиқланган. Қоидаларда белгиланишича, янги олинган итлар зоти ва жинсидан қатъий назар уч ой ичида ветеринария муассасаси рўйхатидан ўтказилиши шарт. Ит эгалари атрофдагиларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриши, санитария-гигиена ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилишлари лозим. Ит боқиш қоидаларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 110-моддасига асосан жарима белгиланган. Юқоридаги ҳолат юзасидан сиз тегишли ҳудуддаги профилактика инспекторига мурожаат қилишингиз мумкин.

2005 йил — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

КЕЛИНГ, АҲИЛ-ИНОҚ ЯШАЙЛИК!

Нега баъзи одамлар билан тезда тил топишиб кетамизу, айримлар билан гижиллашганимиз-гижиллашган? Умуман, муомала маданиятини ўрганса бўладими? Бунда нималарга эътибор бериш керак? Бу саволларга ижобий жавоб топсак, турли низоларнинг олдини олган, демакки, саломатлигимизни асраган бўламиз. Ҳозирги замонда асабий, тажанг одамлар кўпайиб кетганини сиз ҳам пайқагандирсиз. Гоҳида ўзимиз ҳам бўлар-бўлмасга асабийлашиб, кейин дори ичишга тушамиз. Бундан кўра аҳил-иноқ яшасак, ишласак бўлмайдами?!

БАРЧА КАСАЛЛИКЛАР АСАБДАН

Хойнахой, бу ибора ҳаммага таниш бўлса керак. Асабий жароҳат дейлик, оёқ синишидан оғир бўлса оғирки, енгил эмас. Тиббий тадқиқотларнинг кўрсатишича, унинг оқибатида невроз, неврастениядан ташқари гипертония (қон босимининг ошиши), ошқозон-ичак яраси касалликлари, юрак хасталиклари келиб чиқади.

Машҳур "Иван Васильевич касбини ўзгартиради" фильми қахрамонининг: "Асаб хужайралари тикланмайди" деган гапини эшитиб ҳаммамиз мириқиб кулганмиз. Кулгу ўз йўлигаю, аммо бу илмий исботланган ҳақиқатдир. Шунинг учун кишининг ёши ўтган сайин бош миясининг массаси оз-моз камайиб бораркан. Аввало қаттиқ сиқилиш (стресс)лар асаб хужайраларининг нобуд бўлишига олиб келади. Буни унутманг! Агар ҳар қадамда сиқилаверсангиз, организмгиз муҳим ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун ниҳоятда кўп руҳий қувват сарфлайди. Асаб чарчаб-ҳориганда, "ҳолдан тойганда" киши касалликка чалинади.

НЕАНДЕРТАЛЛАР НЕГА АҲИЛ БЎЛИШМАГАН?

Онгли одам неандерталдан кейин пайдо бўлган. Неандерталларнинг бош мияси ҳам бизникига ўхшаб катта эди. Улар ҳам узун қўлларини осилтириб, тикка-икки оёқда юришарди. Ақлли одам бўлишлари учун бир қарашда ҳамма жиҳатлар етарлидек. Аммо антропологларнинг фикрича,

уларда миянинг тормозлаш жараёнларини бошқарувчи марказлари ҳали ривожланмаган эди. Киши "тормоз"сиз ўзини қандай идора қилиши мумкин? Шунинг учун ҳам неандерталлар ўзаро чиқиша олишмаган.

Одамлар минг йиллар давомида ҳаммага қулай, осон муомала-муносабат йўллари кидирдилар. Фақат ақлли одамгина бошқа кишилар билан чиқишишга, қондошининг кўполлигига шундай кўполлик билан жавоб бермасликка ўрганди.

Хўш, одамзод доимо ҳам бунга муяссар бўла оладими? Афсуски, йўқ. Биз яшаётган XXI аср — тезкор, шиддаткор замон. Ҳар қадамда: кўча-кўйда, транспортда, жамоат жойларида, ишхоналарда дағаллик, кўпол муомалага дуч келиш мумкин. Ёввойилик ёввойиликни туғдирганидек, кўполлик ҳам яна кўполликка омил бўлади. Қарабсизки, бундай муомала худди юқумли касалликдек теварак-атрофга тез тарқалиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу "эпидемия"га қарши ҳамма биргаликда ва ҳар бир киши алоҳида ҳолда курашиши лозим.

БИЗ ТУРЛИ-ТУМАНМИЗ

Ҳар ким атрофидаги одамларни ҳар хил қабул қилади. Биров лапашанг, миёнғиларга тоқат қилолмайди, аммо кўпол, қизиққонлар билан тил топишиб кетаверади. Баъзилар дағал муомалаларни ҳазм қила олмайди. Кимдир мақтанчоқни жини суймайди.

Ҳисоблаб қарасак бирга ишлашга, гаплашишга тоқатимиз бўлмаган одамлар анчамунча экан. Гўёки ўшалар

ҳаётимизни заҳарлаётгандек, зимистонга айлантираётгандек туюлади. Лекин яхшилаб ўйлаб кўрайлик. Қайсидир дақиқаларда ўзимиз ҳам кимнингдир тоқатини тоқ, юрагини қон қилиб юборамиз-ку. Афсуски, бу ҳақда камдан-кам ўйлаб кўрамиз. Одамзоднинг табиати шундоқ — ҳаммани айблашга мойил, фақат ўзини эмас.

Хайриятки, тафаккур соҳиб бўлган зот — инсон вазиятни ўнглаш учун ўз хатти-ҳаракатини ҳам тузатишга ҳаракат қилади. Бунда баъзи бир муомала сирларини билиб қўйсақ фойдадан ҳоли бўлмасди. Бу ҳаётимизни осонлаштиради, энг муҳими — саломатлигимизни муҳофаза қилади.

Албатта, ҳаммага бирдек ёқиш, маъқул бўлишининг иложи йўқ. Бошқаларнинг фикри, баҳосини ҳисобга олиш керак. Аммо бу ўзгалар фикрининг қулига айланинг, дегани эмас. Эсингизда бўлсин, ўзини севган, ҳурмат қилган кишигина ўзгаларни ҳам севади, ҳурмат қилади. Муҳаббат уруғидан сўлим боғ барпо бўлади. Зўрлик, кўполлик уруғидан эса чангалзор ўсиб чиқади.

ТҮРТ МАСЛАҲАТ

Одамзод кўп нарсасиз яшаши мумкин. Аммо одамларсиз яшай олмайди. Ўзига ўхшаганлар, яъни инсонлар билан муомала қила олиш эса бутун бошли санъатдир. Унинг ёрдамида киши жанжалларни бартараф этади, соғлигини асрайди. Хўш, қийин, мураккаб вазиятларда нималарни ҳисобга олиш зарур?

1. Ҳамсуҳбатингиз сиз учун муҳим шахсдир. У тарбиясиз, эътиборсиз, нодон ёки кўпол бўлиши мумкин. Суҳбатдо-



шингизни қандай бўлса, шу ҳолида қабул қилинг. Иккиюзламлилик, сунъий муомала қилманг. Ҳар қанча уринсангиз ҳам, уни қисқа вақт ичида бошқача одамга айлантира олмайсиз. Шунинг учун бўлар-бўлмасга жиғибийронингиз чиқавермасин, жанжаллашаверманг. Яхшиси унинг ўзингизга яқин томонини қидиринг.

2. Арзимас сабаблар юзасидан, айниқса, қайсар кишилар билан бахслашиш бефойда. Айримлар азбаройи тортишиб, хумордан чиқиш учун бахслашишади, шунинг ишқибози.

Баҳс-мунозарада ҳақиқат туғилади дейишади. Аммо ҳар нарсанинг ҳам меъёри бор. Фақат асосли муҳокамалар, фикр алмашинувлар жараёнидагина ҳақиқат юзага чиқади. Баъзилар сизни ерга уриш учун бахслашишади. Сиз мунозара чоғида галаба қозонишга интилар экансиз, беихтиёр рақибингизда ҳам шундай истак уйғотасиз. Эсингизда бўлсинки, баҳс ўзига хос интеллектуал жанжалдир.

3. Баҳсли масалани кўполлик ва ҳаддан ортиқ қатъият намоен этмасдан ҳал қилишга урининг. Дағаллик билан айтилган фикрни юмшоқ оҳангда, ётиги билан ифодалаш ҳам мумкин-ку, тўғрими?

4. Уруш-жанжалнинг олдини олувчи яна бир восита — вақтида огоҳлантиришдир. Аламингизни кўнглингизга тугиб, тўплаб, рақибингизга "ҳап, сеними!" деб юраверманг. Яхшиси унинг ўзингизга ёқмаган гап-сўзи, қилиғи ҳақида юзига очик-ойдин, босиқлик билан (жайдарчасига айтадиган бўлсақ, одамга ўхшаб) айтинг.

НАФСОНИЯТИНГИЗГА ТЕГИШДИМИ? НИМА ҚИЛМОҚЧИСИЗ?

Ҳар қандай вазиятда ҳам хотиржамликни сақлай билиш ноёб фазилатдир. Хўш, биз

бошқалардан биринчи галда нимани кутамиз? Диққат-эътиборни, гамхўрликни, илиқ муомалани, бизларни тўғри тушунишларини... Нега бошқа одам дағаллик қилади? Балки, ўзини ёмон ҳис қилаётгандир? Иззат-нафсига тегишгандир? Яхши тарбия кўрмагандир? Нима бўлганда ҳам кўпол муомалага қарши дағаллик билан жавоб қайтармаслик қийин.

Дейлик, сизнинг иззат-нафсингизга тегишди. Масалан, автобусда туртиб юборишди ёки навбатда турганингизда сўқишди. Ўзингизни қандай тутар эдингиз? Яхшиси ҳеч қандай жавоб қайтарманг. "Йўқ, ҳақимни бериб қўймаман", — дейсизми? Майли, шундай қилдингиз ҳам дейлик. Уям қолишмасликка ҳаракат қилади. Ўрталарингизда даҳнаки жанг келиб чиқади. Ишқилиб, мушшлашиб кетмасангизлар бўлгани. Оқибатда бировларингизнинг қон босимингиз ошади, иккинчингизнинг юрак ўйноғингиз тутади. Икковингизнинг ҳам кайфиятингиз бузилади. Шу сизга керакми-ди?

АШАДДИЙ ЖАНЖАЛКАШ НИМАНИ ХОҲЛАЙДИ?

Жанжал нимадан келиб чиқади? Ашаддий жанжалкашларнинг асл мақсади нима? Уларга дуч келганда киши ўзини қандай тутгани маъқул?

Кўпинча озиқ-овқатдан, атроф-муҳитдан олган ҳаётий қуввати етишмайдиган кишилар арзимас баҳона топиб жанжал кўтаришади. Бесабаб ҳақоратланган, танқид қилинган одам қаттиқ асабийлашганда ундан катта руҳий қувват ажралиб чиқар экан. Соғлигингизни афзал билсангиз, индамай кўя қолинг.



Мулоҳаза

... Зайнаб хола тонг ёришмасдан ўраб-чирмалган шиша идишдаги маставани кўтарганча йўлга тушди. Ич-ичидан ҳаяжонланиб туғруқхона дарвозасидан ичкарига қадам қўйди. Ҳаяжонининг боиси, саккиз йил деганда, шукрки, ўгли Салимжон фарзандли бўляпти. Ишқилиб, келини эсонмон кутулиб, мана шу кутлуғ даргоҳдан болагинасини бағрига босиб чиқсин.

Турмуш қурганларидан буён Салимжон ҳам, Насиба ҳам қанча дўхтиру табибларга боришмади. Улар ҳақида кимлар нималар деб маломат қилмади. Насиба шўрлик янаям чидади. Текширувлардан кейин шифокорларнинг "айб сизда" деган сўзларини эшитган Салимжон ичкиликка берилди. Отаси раҳматли унга насиҳат қила-қила бу оламдан ўтиб кетди. Хола бечорани эса ёлғиз бир куч-ўғлининг охири бир куни фарзанд кўришига бўлган умиди овутиб юрди. Баъзан аъзойи бада ни оғриб, ётиб қолганида ҳам, "Парвардигори олам меҳрибон. Зигирдек тирноқни боламдан қизганмайди. Худо хоҳласа, бир куни набиралик бўламан. Набиранинг "бувижон!" деганини эшитиб ўлсам армоним йўқ", дея танасида куч сезиб, ётган жойидан туриб кетарди. Келини Насибага "Шу бепушт эркак билан ўтиб кетасанми? Ойдеккина жувонсан. У билан ажрашсанг, сенга уйланадиган йигит шу кунгек топилади", деганлар бўлди. Лекин Насиба ориятли, сабр-тоқатли, иймони бутун аёл экан. Бундай гапларга учмади. "Майли, нима бўлса пешонамдан кўрдим" дея "йўл кўрсатувчилар"га бўй бермади. Ароқ ичиб, лойга ботиб келган эрининг кийимларини юм-юм йиғлаганча ювиб, дазмоллади. Мана, Аллоҳ меҳрибонлик қилиб, уларга ҳам фарзанд ато этди. Чеккан азиятларининг роҳатини кўрадиган бўлишди...

Хола сукунатга чўмган қабулхонага кириб, туриб қолди. Ён эшикдан оқ халатли жувон чиқиб аёлга юзланди.

– Келинг, хола?

– Болам, келинимдан хабар олгани келгандим. Насиба, Насиба Илёсованинг кўзи ёридимми?

– Йўқ.

– Тўлғоғи чўзилиб кетди-я?

– Хола, биз нима қилайлик? Навбатчи шифокорлар назорат қилиб туришибди. Худойим оқ йўл берса, кутилиб олади.

– Айтганингиз келсин. Бо-

лам, қайноқ мастава олиб келгандим. Шуни олиб чиқиб берсангиз, иссиғида ичиб оларди...

Жувон холанинг кўлидаги тугунчани олиб, ичкарига кириб кетди. Бир неча дақиқа-

– Ҳозир шифокорни чақираман...

Холанинг юраги ўйнаб кетди. Нега у "суюнчи беринг" демади? Насибанинг ҳалиям кўзи ёримадимики? Ё бирор кор-ҳол бўлдики?

– Хола, буёққа келинг.

Оқ халати ўзига ярашган хушбичимгина шифокор холани ичкарига бошлади. Гангиб қолган аёл беихтиёр у кўрсатган жойга ўтириб, шифокорнинг оғзига термулди.

– Хола, ўғлингиз гиёҳвандликка мубтало бўлганмиди?

– Нима?..

– Ўғлингиз бангимиди? Томирига "дори" юборармиди?

нинг маъносини англамаган холанинг юраги ўртаниб кетди. Наҳот шунча йил кутиб, кўрган набираси ўлик туғилган бўлса? Нега? Нега ахир?

– Хола, ўзингизни босинг. Набиранинг тирик. Фақат у гайритабиий бола. Уни уйга олиб кетиб бўлмайди.

...Хуллас, орадан икки кун ўтиб, холага болани кўрсатишди. Уни кўриб, эси оғиб қолай деган аёлга зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилди.


Насиба боладан кечиши, уни туғруқхонада қолдириши ҳақида тилхат ёзиб, бир йўла эридан ҳам воз кечганини айтдию, отасининг уйига кетди-қолди. Унинг танаси гўдақларнинг танасидек, боши эса хумдек келадиган чақалоғи махсус болалар уйига юборилди...

– Уйи куйсин! Наша, кўкнор, героину қорадори деган матоҳларни экиб, ўстирган, уни тайёрлаб, сотганларнинг хонумони куйсин! Ёшларни бангиликка ўргатганлар икки дунё дўзах азобида ёнсинлар!

Болалар уйидаги бир-биридан гайритабиий кўринишдаги болалар қатори гапга тушунмайдиган, руҳан ва жисмонан мажруҳ набирасини кўргани борган хола ҳаргал юқоридаги қарғишини қайтаради. То банги ўғли ўлган, келини кетиб қолгандан буён хувиллаб қолган уйга етиб келиб, бор овози билан юқоридаги қарғишни қайта-қайта такрорлаб, дод солиб йиғлаб, хумордан чиқмагунча кўнгли таскин топмайди. Бундай пайтларда ён-атрофдаги кўшчилар ҳам "майли, кўнглини бўшатиб олсин" дея уни юпатишга шошилмайдилар. Орадан бир ҳафта – ўн кун ўтиб-ўтмай хола яна ўша, ўғлидан қолган тирик жонни, ёдгорни кўришга отланади. Ахир, нима қилсин? Инсонлик нусхаси бўлмаса ҳам, "мана, ана"ни билмаса, одам кўрса кўрқадиган қиёфада бўлса ҳам фарзандининг зурёди у. Онгсиз, шуурсиз бўлса ҳам у тирик, ахир. Хола бу мавжудотдан воз кеча олмайди. Уни кўрганда жони-жаҳони ўтда ёнса ҳам боласидан қолган бу ёдгорни кўргиси келади. Ох, ўғлини бангиликка бошлаган, уни қорадори, наша билан таъминлаган иймонсизларни бир кўрса эди! Бошига тушган кулфатларга сабабчи бўлган бу ёвузларни нима қилишни ўзи биларди. Ким, ким ўша бадкирдорлар?!

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

«АЛАМ БИЛАН БОЛАМ ДЕЙМАН!»



дан кейин чиқиб, "соат саккизларда хабар оларкансиз" дея яна ичкарига йўналди...

Минг бир хаёл билан соатни аранг саккиз қилган Зайнаб хола яна туғруқхонага йўл олди. Етиб келгунча хаёлида шундай кунда ҳам ичиб, донг қотиб ётган ўғлини койиб келди. Қанча ҳаракат қилиб ҳам уйғота олмади-я. Шунақаям беғам, парвойи фалак инсон бўладими? Ҳеч бўлмаса фарзандинг дунёга келаётган кунни хушёр холда кутиб ол, нодон. Хайф сенга ота деган ном!

– Болам, мен келгандим...

Ҳа, ўғли томирига "дори" юборарди. Бир неча марта кўрган. "Бу нимаси?" деган онасига: "Қаттиқ шамоллабман. Дўхтирлар укол буюришди" деган. "Нега ўзингни ўзинг укол қилияпсан? Ҳамширага чиқсанг бўлмайдимми?" деб сўраганда "ортиқча харажат" деб қўл силтаган...

– Ўғлингиз гиёҳвандликка мубтало бўлган. Шунинг учун фарзанди ногирон туғилди. Тўғрироғи, онанинг қорнини ёриб, боласини олдик.

– Бола тирикми? Келиним тирикми?

Шифокор айтган гаплар-

БОЛАЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти ИИБ ХООБга қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрса-тиш марказига 2005 йил 29 апрель куни Тошкент тумани ИИБ профилактика инспекторлари томонидан қаровсиз юрган ўғил бола олиб келинди. У билан суҳбатда исми-шарифини **Константин Николаев** ва **Мурод Саидқаримов** деб айтди.



1990 йилда Тожикистон Республикасида туғилган. Боланинг сўзларига қараганда 9 ёшлигида Хилола Саидқаримова деган аёл боқиб олган. Шундан сўнг унинг қармоғида бўлган. Онанинг фамилияси **Плугина**, исми **Татьяна** бўлган. Отасини эслолмайди. Яшаш манзили, қариндошлари тўғрисида аниқ маълумот айтолмайди.

Белгилари: бўйи 150-155 см, озгиндан келган, юзи чўзикроқ, сочи сарғиш, кўзлари жигарранг, қошлари сарғиш, сийрак.

Алоҳида белгиси: бел қисмида 3-4 см катталиқда жарроҳликдан қолган чандиқ бор.

Кийимлари: эгнига кўк футболка, кулранг шортик, оёғига қора бутси кийган.

Боланинг ота-онаси, яқинлари Янгийўл шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин.

Тел.: (8-260)-2-40-11.

Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига пойтахтнинг "Юнусобод" дехқон бозори атрофида қаровсиз, адашиб юрган Осие миллатига мансуб 6-7 ёшлардаги қиз бола олиб келинди. Қизча билан суҳбатда исминини **Фарида**, отасининг исминини **Маҳаммад**, онасининг исминини **Холида**, акасининг исминини **Маҳмуд** деб айтди. Яшаш жойи, манзилни аниқ билмайди.



Белгилари: бўйи 110-115 см, тўла гавдали, сочлари сийрак, сарғиш, кўзлари жигарранг, қошлари сийрак, сарғиш, юзи думалоқ, лаблари ингичка, қовоқлари уюқ.

Алоҳида белгиси: ўнг кўлининг биллак қисмида чандиқ бор.

Кийимлари: эгнига сариқ футболка, кўк жинси шим, оёғига оқ кроссовка кийган.

Қизчанинг ота-онаси ёки қариндошлари Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин. Телефонлар: 191-52-37, 191-34-31.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фаҳрийлар кенгаши Бўка тумани ИИБ фаҳрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги капитан **Комилжон АКРОМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Олмалиқ шаҳар ИИБ жамоат тартибининг сақлаш бўлими бошлиғи, майор **Умарали МИРЗАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ИИБ бошлиғи, майор **Ҷ. Холлиевга** отаси **ҚЎЗИБОЙ БОБОНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

